ИНСОН ҚАДРИ УЧУН, ИНСОН БАХТИ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 3 (1329), 2025 йил 7 январь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН – МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТАШАББУСКОРИ

**Янги Ўзбекистон дунёда тинчлик ва тотувлик бўлиши, минтақада дўстлик ва ўзаро ишонч кайфияти ҳукм суришини истовчи халқаро ҳуқуқнинг энг жонкуяр субъектидир. Таҳлилчи сифатида таъкидлашни истардимки, 2017–2024 йилларда дунёнинг энг юксак минбарларидан туриб, дунёда тинчлик ўрнатиш, жаҳондаги муаммоли масалаларни ўзаро келишган ҳолда ҳал этиш, ишонч инқирозига барҳам бериш, ўзаро иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилувчи таклифларни энг кўп илгари сурган давлат раҳбари айнан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳисобланади.**




Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, **2017 йилдан бошланган ташқи сиёсий фаолият концепциясида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш энг устувор масала сифатида** белгиланган. Хусусан, **давлатимиз раҳбари 2017-2023 йилларда минтақа мамлакатлари манфаати нуқтаи назаридан жами 240 дан зиёд муҳим ва долзарб таклиф ҳамда ташаббусларни, эзгу ғояларни илгари сурди**, хусусан:

***биринчи,* Марказий Осиё давлатлари ўртасида:** ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-сотиқ борасида енгилликлар жорий этиш, минтақада энергетик хавфсизликни таъминлаш, минтақанинг логистик имкониятларини ошириш, илмий, маданий, санъат каби **20 дан зиёд истиқболли соҳалар**да ҳамкорликка қаратилган **жами 140 га яқин таклиф ва ташаббуслар**;

***иккинчи,* минтақа давлатлари ва жаҳон мамлакатлари ўртасида**ги алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, минтақага инвестицияларни жалб этиш, тарихий савдо маркази сифатидаги мақомини қайта тиклаш, минтақа мамлакатлари маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш имкониятларини ошириш, жаҳондаги муаммоларни ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишга қаратилган **90 дан зиёд таклифлар** шулар жумласидан.

*Давоми 3-бетда*

Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда

# ҲАР БИР ТОПШИРИҚДА ХАЛҚИМИЗ ТАҚДИРИ ВА ФАРОВОНЛИГИ МУЖАССАМ

**Президентимиз раҳбарлигида янги босқичга кўтарилганислоҳотлар жараёни ҳар бир соҳага кенг қамровли ечимлар билан кириб бормоқда. Хусусан, фармацевтика бугун мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири бўлиш билан бирга халқ саломатлигини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи соҳа сифатида янги ривожланиш босқичига ўтмоқда.**

Давлатимиз раҳбари нутқларидан бирида **“Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жуда катта ислоҳотларни амалга оширяпмиз. Ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Лекин ислоҳотлар “қоғозда” қолиб кетмаслиги керак. Вазирлик ва тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар жойларда уларнинг ижросини сўзсиз таъминлаши шарт”**, дея таъкидлаган эди.

Бу сўзлар барча мутасадди раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси халқ манфаатини таъминлаш, фаровон ҳаёти учун муносиб шароит яратишдан иборат. Ушбу жараёнда фармацевтика соҳасида ижро интизомини мустаҳкамлаш ва тармоқ ривожини таъминлаш устувор йўналишдир.

Кейинги саккиз йилда мамлакатимиз фармацевтика саноатини ривожлантиришга қаратилган 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат чиқарилди. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари доирасида қатор дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг сифатли ва хавфсиз дори-дармонга эҳтиёжини қаноатлантириш, шунингдек, иқтисодий ривожланишга кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг фармацевтика соҳасидаги энг йирик лойиҳаларидан бири **“Tashkent Pharma Park”** инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластеридир. Бу лойиҳа қуйидаги мақсадларни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган:

— замонавий лабораториялар ва тадқиқот марказларини ташкил этиш;

*Давоми 2-бетда*

Таҳлил ва таққос

# МАЪНАВИЯТ – МИЛЛАТ РУҲИ, ШАХС МАСЪУЛИЯТИ

**Маънавиятга берилган таърифлар кўп. Кимдир уни инсон руҳи, кимдир ахлоқ, кимдир қадриятларимиз билан боғлайди. Яна кимдир эса унга маданият билан эгизак тушунча сифатида қарайди. Барча таърифу тавсифларда, албатта, жон бор. Боиси, маънавият инсон оламидаги энг ноёб хазинадир. Шу сабабли унинг инсоният билан боғлиқ ҳар нарсада ўз мавқеи, ўрни бор.**

Айниқса, бугун бутун дунёда ишонч инқирози, қадриятлар трансформацияси, геосиёсий таҳликалар авж олаётган бир пайтда маънавият эҳтиёж, нажотга айланиб бормоқда.

Шу боис, юртимизда **маънавиятга жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч, унинг жони ва руҳи, тараққиётнинг ўқ томири сифатида юксак мақом берилмоқда.** Мамлакатимиз, халқимиз ўз олдига қўйган улкан, эзгу мақсад — Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш, келажак дарвозаларини очишнинг асоси сифатида қаралмоқда.

Буюк бобомиз Амир Темур келажак авлодлари учун қолдирган насиҳатлари, тузуклари ичида бундай жумла борки, унда **“қудратли набираларим”,** дея катта ишонч билдириб, “Салтанат бошқариш ҳақида қўлланма (дастуриламал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин. **Улар толеи баланд миллатининг шарофатини, муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар”,** дейди.

Бу тузукларда жамиятни адолат, илм-маърифат, кенг мулоҳаза, муҳаббат ва дўстлик асосига қуриш энг асосий омил сифатида кўрилган. Шу сабаб **“юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин”**лиги айтилади.

*Давоми 5-бетда*



# ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ:

## ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Тараққиёт одимлари

**Ўтган йилнинг охири нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон транспорт-логистика тизимида ҳам катта лойиҳа ишга туширилиши билан эсда қоладиган бўлди. Гап шундаки, 27 декабрь куни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги магистрал темир йўли қурилишига старт берилди. Ушбу темир йўл қурилиши бошланишига бағишланган маросим иштирокчиларига Президентимиз мурожаат йўллади.**





Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида мазкур йирик лойиҳанинг аҳамияти хусусида сўз юритаркан, **“Бу дўст мамлакатларимиз салкам 30 йил давомида интилиб келган том маънодаги тарихий воқеадир. Сизларнинг иштирокингизда халқаро аҳамиятга эга бўлган янги транспорт артерияси яратилмоқда. У Марказий Осиё минтақасини Хитой билан қисқа ер усти йўли орқали боғлайди, давлатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади”,** дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон халқаро темир йўли узоқ йиллар давомида муҳокама қилиб келинаётган лойиҳа ҳисобланади ва уни бунёд этишга киришилгани мамлакатлар ҳамда минтақа иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшади. У Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг муҳим таркибий қисми сифатида уч мамлакат ўртасидаги янги даврда ҳар томонлама стратегик шериклик доирасидаги ҳамкорлик рамзидир.

Лойиҳа туфайли Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари Европа ва Осиё ўртасидаги транспорт хабига айланади. Транзит юкларни ўтказиш орқали транспорт хизматлари экспортини сезиларли даражада ошириш, минтақани маданият, иқтисодиёт, фан, технология ва саноатни ривожлантиришнинг ўзига хос “драйвери”га айлантириш имконияти пайдо бўлмоқда. Натижада минтақа йирик жаҳон савдо марказига айланиши мумкин.

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия — Европа Иттифоқи мамлакатлари йўналиши бўйича Хитой ва Европани боғловчи муқобил йўлак пайдо бўлади.

*Давоми 4-бетда*

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Тиббиёт

**Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан яхшилаш, тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ахир гап энг муҳим қадрият — инсон саломатлиги ва ҳаёти тўғрисида кетмоқда.**

Миллий соғлиқни сақлаш тизими трансформацияси замонавий дунё илгари сураётган вазифа ва таҳдидларни ҳисобга олиб, пухта ва изчил амалга оширилмоқда. Инсонлар саломатлигини яхшилаш ва ҳаёт даражасини оширишга қаратилган устуворликлар аниқ белгиланмоқда. Шубҳасиз, бунда бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимидаги янгича ёндашувлар ва аҳолини тўлиқ қамраб олишга асосланган фундаментал ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 1264 та оилавий шифокорлик пункти, 1084 та оилавий поликлиника ва 209 та кўп тармоқли марказий поликлиника фаолият юритяпти. Тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, “Бир қадам” тамойилини амалга ошириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида тиббиёт пунктлари ташкил этилди. Натижада 34 миллиондан ортиқ аҳоли тиббий хатловдан ўтказилди.

*Давоми 2-бетда*

Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда

# ҲАР БИР ТОПШИРИҚДА ХАЛҚИМИЗ ТАҚДИРИ ВА ФАРОВОНЛИГИ МУЖАССАМ



**Абдулла АЗИЗОВ,**
**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори**

**Бошланиши 1-бетда**

— илмий-амалий тадқиқотларни рағбатлантириш;

— қўшилган қиймати юқори бўлган дори-дармонлар ишлаб чиқариш;

— маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш.

Кластер фаолияти нафақат ички бозорни тўлдириш, балки экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам қаратилган.

Фармацевтика соҳасида маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ҳамда хорижий инвестицияни жалб қилиш жараёни жадаллашмоқда. Айниқса, ҳудудлардаги фармацевтика корхоналари бу йўналишда муҳим ўрин тутмоқда. Натижада аҳоли учун зарур дори-дармонга талаб ички ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланмоқда.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз дори-дармон билан таъминлаш фармацевтика соҳасидаги ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатларидан. Бунинг учун:

— дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнида халқаро стандартларга риоя қилиш;

— барча маҳсулотнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини кафолатловчи сифат назорати тизимини такомиллаштириш;

— қонунчилик асосида назорат органларининг масъулиятини ошириш муҳим.

Дори-дармон ишлаб чиқариш ва реализация жараёнини шаффофлаштириш учун соҳада ахборот технологиялари кенг жорий қилинмоқда. Бу маҳсулотларнинг сифати ва миқдорини назорат қилиш билан бирга аҳолига осон етказиб бериш имконини бераётир.

Шахсий жавобгарлик — тараққиёт гарови. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган 2 та муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжати қабул қилингани раҳбарларга давлат ва ҳукумат томонидан қўйилган талаблар нақадар жиддий эканини кўрсатади.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамда тизим ташкилотларида ижро интизомига талабни икки баробар оширди.



Бугун фармацевтика соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар тармоқни ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

**Ҳар бир раҳбар:**

— берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;

— фаолияти натижалари учун шахсий масъулиятни зиммасига олиши;

— халқ манфаатини биринчи ўринга қўйиб иш юритиши зарур.

Масъулиятли раҳбарликнинг асосий мезони аҳоли фаровонлигига хизмат қилиш ва фуқароларнинг сифатли тиббий хизматлар билан таъминланишидир. Фармацевтика соҳасидаги ислоҳотлар фақат темир интизом, масъулият ва халқ манфаатига садоқат орқали муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Фармацевтика соҳаси ривожига қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар аҳолининг саломатлигини яхшилаш билан бирга Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган.

Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ҳужжатлари ва топшириқларининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан “технологик занжир” асосида Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда тизимли ишлар бажарилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилда “Ijro.gov.uz” электрон тизимида назоратга олинган, агентлик масъул бўлган 147 та ҳужжат ва топшириқ ижроси ўз вақтида таъминланган.

Мазкур топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш борасида агентлик томонидан қатор тизимли ишлар қилинди.

Жумладан, қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш, “Ijro.gov.uz” тизимидаги топшириқларни бажариш мақсадида ҳафтанинг душанба кунлари раҳбар ҳузурида, чоршанба ва жума кунлари раҳбар ўринбосарлари ҳузурида муҳокамалар ўтказиб келинди.

Бундан ташқари, топшириқлар ижроси таъминланишини кунлик ташкил этиш бўйича ойлик календарь графикларни тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан раҳбар ўринбосарларининг “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасида ҳар ҳафта график асосида вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари ўринбосарлари ва назорат бўлимлари бошлиқларининг ҳисоботини эшитиб бориш амалиёти натижа берди.

Ҳар бир топшириқда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатга инвестиция жалб этиш ва янги иш ўринлари очиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш вазифалари кўзда тутилган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан кластернинг маъмурий биноси ва саноат зонасидаги қиймати 40 миллион долларлик 1 та лойиҳани ишга тушириш белгиланган.

Ушбу вазифа асосида кластернинг саноат зонасида қиймати 40 миллион долларлик логистика маркази ишга туширилиб, 350 та янги иш ўрни очилди.

Топшириқ доирасида ўтган йил октябрида кластернинг маъмурий биноси ишга туширилди. Бу орқали 38 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди. **Бир вазифанинг ўз вақтида бажарилиши бошқа вазифани амалга ошириш учун замин яратди.** Зеро, ушбу замонавий бинода халқаро Фармацевтика техник университетида таълим жараёни бошланиб, ўқишга илк абитуриентлар қабул қилинди.

Фармацевтика техник университетида нафақат юртимиз ёшларини, балки **Марказий, Жанубий** ва **Шарқий Осиё** ҳамда **МДҲ** давлатларидан келган йигит-қизларни ўқитиш режалаштирилган.

Шу мақсадда университет мутахассислари Буюк Британиянинг Де Монфорт, Сандерленд университетлари таълим дастурлари доирасида малака ошириб қайтди. Жанубий Корея ва Британиядан соҳа мутахассислари жалб қилиниб, кластернинг илмий кадрлар салоҳияти ошириб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 10 апрелдаги “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мамлакатда фаолият юритувчи ишлаб чиқариш, улгуржи, сақлаш ва аҳолига етказиб бериш пунктлари (дорихоналар) зарур амалиётлар бўйича стандартларни жорий этган ҳолда ишни ташкил этиши белгиланган.

Ўтган даврда ишлаб чиқариш объектларидан 54 тасида GMP**,** улгуржи ташкилотлардан 340 тасида халқаро GDP стандартлари жорий этилди. 2024 йилга қадар ҳеч бир дорихонада **“Зарур дорихона амалиёти (GPP)”** стандарти жорий этилмаган бўлса, 2024 йил 1 декабрь ҳолатига уларнинг сони **2000 дан** ортди.

Президентимиз белгилаб берган ушбу вазифалар ижросини ўз вақтида, сифатли ва самарали бажариш халқнинг хавфсизлиги ва сифатсиз дори-дармондан ҳимояланишини кафолатлайди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 18 декабрда “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига ташрифи давомида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бу соҳага давлат томонидан кенг имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Уларни бажаришда ҳар бир ташкилотда **тизим, тартибли бошқарув**, **темир интизом** ва раҳбарларнинг бугунги талабдан келиб чиқиб, **кенг дунёқарашга эга бўлиши** алоҳида аҳамият касб этади.

Ижро интизоми ва масъулиятли раҳбарлик тизими фармацевтика соҳасини ривожлантириш йўлида асосий кўприк вазифасини ўтайди. Мутасаддилар топшириқларни бажаришда халқ манфаатига хизмат қилиши, ислоҳотлар эса ҳаётга татбиқ қилиниши лозим. Шу йўналишда ҳар бир раҳбар ўз зиммасига юклатилган масъулиятни тўлиқ ҳис қилган ҳолда янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Янгиланаётган фармацевтика тармоғи янгича ёндашувлар, сифатли дори-дармон ва фаровон ҳаёт кафолатидир.

Тиббиёт

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ



**Елена БОРИСОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари**

**Бошланиши 1-бетда**

Шунингдек, тиббий хизматга эҳтиёжи бор катталар ва болаларнинг тўртта гуруҳи шакллантирилди. Зарарли одатлари мавжуд ва паст жисмоний фаолликка эга 11,1 миллиондан ортиқ аҳолини қамраб олган иккинчи гуруҳ алоҳида эътиборга молик. Улар билан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва касалликлар профилактикаси борасида кенг қамровли ишлар олиб бориш зарур.

Сурункали касалликларга (асосан, юрак-қон томир) чалинган фуқаролар учинчи гуруҳга киритилган. Улар учун тегишли даволаш режалари тасдиқланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 2024 йилда етти миллиондан ортиқ юртдошимиз республиканинг амбулатор ва стационар муассасаларида даволанган.

Мамлакатимизда ўлим ҳолатининг энг кенг тарқалган сабаблари ҳисобланган онкологик касалликларни эрта аниқлаш, юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет скринингига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда Президентимизнинг мазкур ўта муҳим масалалардаги ташаббусларига урғу бериш жоиз. Хусусан, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис йиғилишларида хотин-қизларда саратонни эрта аниқлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди. Бунинг учун ҳар йили 35, 45, 55 ёшли 700 минг нафар хотин-қиз бачадон бўйни саратони скрининги ва одам папилломаси вирусига ПЦР-скрининг текширувидан ўтказилади. Бунда 9-13 ёшли 1,2 миллион нафар ўсмир қизларнинг одам папилломаси вирусига қарши вакцинациясини 100 фоизга етказиш керак.

Ҳар икки йилда бир марта 45-65 ёшли 3,8 миллион нафар аёлларда кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш бўйича скрининг текшируви ўтказилади. Энг муҳими, ушбу тадбирлардан олинажак натижалар. Бунда хотин-қизларда онкологик касалликларни эрта аниқлаш кўрсаткичи 85 фоизга етказилиб, ўлим кўрсаткичи 4,5 фоизга қисқаради. Бу рақамлар ортида ўз оиласи бағрига соғ-саломат қайтадиган минглаб аёлларнинг тақдири турибди.

Юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабетни эрта аниқлаш бўйича ишлар давом этмоқда. Бунинг учун ҳар йили 40 ва ундан катта ёшли тўққиз миллион юртдошларимиз скрининг текширувидан ўтказилади. 2024 йилда 6,3 миллион фуқаро бундай текширувдан ўтди. Натижада юрак-қон томир касалликлари билан оғриган 173,5 минг нафар, қандли диабет билан касалланган 80,3 минг нафар киши аниқланди. Барча беморларга даволаниш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам ривожланмоқда. Қайд этиш жоизки, юртимиздаги 25 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази вилоятларда филиалларига эга, жойларда фуқароларни ташхислаш ва уларга маслаҳатлар бериш, шунингдек, даволашда фаол. Мутахассислар доимий равишда аҳоли орасида тиббий кўрик ўтказиш учун энг чекка туманларга чиқмоқда.



Вилоятларда мутахассислар малакасини ошириш учун курслар ташкил қилинмоқдаки, булар ҳам тиббий хизматлар сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. 2024 йил давомида 2500 нафардан ортиқ соҳа мутахассиси ўз малакасини оширди. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон вилоятларида буйрак трансплантацияси, микрохирургия, Хоразм вилоятида реконструктив ва пластик жарроҳлик амалиётлари фаол ўтказилмоқда. Мамлакат бўйича тўрт мингга яқин бемор 42 турдаги лапароскопик, тораскопик, эндоваскуляр жарроҳлик воситасида жойларда даволанди.

Барча ҳудудларимизга юқори тиббий технологиялар кириб келмоқда. Айтиш жоизки, юртимиздаги еттита ихтисослаштирилган тиббиёт маркази халқаро аккредитацияга эга, диагностика ва даволашнинг бетакрор усулларини қўлламоқда. Масалан, Болалар миллий тиббиёт марказида болаларда сколиозни радикал коррекциялаш амалиёти жорий этилган ва илк марта инфекцион патологияси мавжуд болаларда суяк кўмиги аутотрансплантацияси ўтказилди. Болаларнинг юқори технологик тиббий хизматларга эҳтиёжини ҳисобга олиб, марказда ўринлар сони 180 дан 250 тага кўпайтирилди.

> **Ҳар икки йилда бир марта 45-65 ёшли 3,8 миллион нафар аёлларда кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш бўйича скрининг текшируви ўтказилади. Энг муҳими, ушбу тадбирлардан олинажак натижалар. Бунда хотин-қизларда онкологик касалликларни эрта аниқлаш кўрсаткичи 85 фоизга етказилиб, ўлим кўрсаткичи 4,5 фоизга қисқаради. Бу рақамлар ортида ўз оиласи бағрига соғ-саломат қайтадиган минглаб аёлларнинг тақдири турибди.**

2024 йилда юртимиз тиббиёти учун яна бир жуда муҳим воқеа бўлди — Президентимиз ташаббуси билан қурилган энг замонавий, жаҳон стандартларига мос жиҳозланган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда стационар ва амбулатор даволаниш, жумладан, кимё терапиясини амбулатор қабул қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Юқори технологик операцияларни одамларга яқинлаштириш тўғрисида сўз юритилар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2024 йилда вилоятларда бундай тиббий амалиётлар 61 фоизга етди, пойтахтда улар 24 фоизга қисқарди, ихтисослаштирилган марказлар ва уларнинг вилоятлардаги филиалларида ҳар йили имтиёзли тоифага кирувчи ўртача 100 минг бемор даволанмоқда.



Соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий суғуртани жорий этишга доир яна бир муҳим ислоҳот амалга оширилди. Муайян ишлар Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бошланган. Айтиш лозимки, 2025 йилда Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида, 2026 йилда Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Тошкент, Наманган ва Жиззах вилоятларида давлат тиббий суғурта механизмини жорий этиш кўзда тутилган.

Давлат тиббий суғурта механизмининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда молиялаштиришнинг натижага йўналтирилган янги усуллари жорий этилади. Бунда суғурта доирасида тиббий хизматлар кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлаш Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади, аҳолидан қўшимча тўловлар олинмайди.

Тошкентда давлат тиббий суғурта механизмини жорий этиш қандай ўтяпти? Махсус тайёргарликдан ўтган оилавий шифокор, патронаж ҳамшира, доядан иборат тиббий бригадалар, кўрикдан ўтказиш учун махсус хоналар ташкил этилган. 1703 та тиббий бригада шакллантирилган ва тиббий персонал билан тўлиқ таъминланган.

Шу билан бир қаторда, шифокорлар иши ҳам оптималлашмоқда. Яъни уларнинг айрим вазифалари амалиётчи ҳамшираларга берилдики, бу ҳар бир беморни кўрикдан ўтказишга кетадиган вақтни ошириш имконини берди. “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” ахборот тизимлари такомиллаштирилди. Ягона тиббий ахборот тизими жорий этилди. “Электрон рецепт” тизими асосида 11 турдаги дори воситасини бепул беришга қаратилган синов лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти ҳам такомиллаштирилмоқда. “Call-марказ”лар фаол ишлаб турибди. Натижада тез ёрдам бригадаларининг хизмат кўрсатиш учун қатнов ҳудуди кичрайди, уларнинг кечикиши 1,1 фоиздан 0,3 фоизга қисқарди.

Мухтасар қилиб айтганда, янги Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар малакали тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган. Бироқ барқарор натижаларни қўлга киритиш учун молиялаштириш, кадрларни тайёрлаш, инфратузилмани модернизациялаш бўйича ишларни давом эттириш, бирламчи бўғинга эътиборни кучайтириш лозим. Телемедицина каби янги технологияларни интеграциялаш, шунингдек, давлат тиббий суғуртасини жорий этишга эътиборни кучайтириш керак. Аҳоли саломатлигини профилактик дастурлар воситасида яхшилашга эришиш жуда муҳим.

Шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари самарадорлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, дори воситалари бозори шаффофлигини ишлаб чиқаришдан тортиб, то сотиб олиш ва сотишгача бўлган жараёнларда таъминлаш лозим. Бунда нарх-навони асоссиз ошириш каби ҳолатларга йўл қўймаслик керак.

Биз юқорида тўхталиб ўтган ислоҳотлар соғлиқни сақлашнинг аҳоли эҳтиёжларини қондириш қобилиятига эга барқарор тизимини яратиш имконини беради. Зеро, буюк ишларни соғлом миллат амалга оширади.

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



# ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТАШАББУСКОРИ



Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,
Ўзбекистон ФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

2024 йилда ҳам давлатимиз раҳбари минтақа нуфузини янада мустаҳкамлаш, минтақадаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этиш, муносабатларда ўзаро тушуниш, ишонч ва дўстлик кайфиятини янада ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга жиддий эътибор қаратганини барчамиз кўрдик. Хусусан, ўтган йилда Президентимиз хорижий давлатларга **17 та ташриф** амалга оширган бўлса, уларнинг **7 таси минтақа мамлакатларига**, шундан **Қозоғистон Республикасига 4 маротаба**, **Қирғизистон, Тожикистон** ва **Туркманистон давлатларига 1 маротабадан** ташрифлар амалга оширилган.

Шунингдек, минтақа давлатлари тараққиётини қўллаб-қувватловчи давлатлар — **Хитойга 1 маротаба, Россияга 5 маротаба, Озарбайжонга 2 маротаба, Туркияга 1 маротаба ҳамда Саудия Арабистонига 1 маротаба** ташриф буюрди.

Барча ташрифлар кун тартибидан **“минтақада тинчликни мустаҳкамлаш, турли соҳаларда минтақа давлатларидаги алоқаларни янада ривожлантириш”га доир эзгу ташаббуслар, албатта, ўрин олган**ини таъкидлаш керак.

Алоҳида қайд этишимиз жоизки, давлатимиз раҳбари бугунги кунда минтақанинг жаҳон майдонида нуфузини ошириш ва янада мустаҳкамлаш, унинг замонавий дунёдаги **“бошқаларда мавжуд бўлмаган имкониятлари”ни ишга солиш**, иқтисодий, маданий, инвестицион ва туристик жозибадорлигини ошириш борасида жуда улкан хизматлар қилмоқда. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ:

***биринчидан,*** **минтақа мамлакатлари жаҳондаги глобал масалалар юзасидан “ягона позиция”да турмоқда**, яъни бугунги кунда улар халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти сифатида намоён бўлаётир. Дунёнинг етакчи мамлакатлари билан **“Марказий Осиё плюс” формати**даги ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда. Сиёсий нуқтаи назардан қараганда, бундай натижага эришиш жуда мушкул! **Бироқ давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб иш юритиши, сиёсий донолиги, оқилона ҳамда пухта ўйланган ташқи сиёсати ҳамда самимий мулоқотлари натижасида минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тарихий жиҳатдан ҳам ўзининг энг гуллаган даврига кириб келди**;

***иккинчидан,*** **минтақа мамлакатлари ягона иқтисодий макон сифатида кўрила бошланди**, яъни мавжуд иқтисодий салоҳиятнинг секин-аста ишга туширилиши, бу борадаги кучларнинг бирлашуви ҳамда ўзаро савдода имтиёзларни тақдим этиш минтақа бозорининг тўкинлиги, нарх-навонинг барқарорлиги, экспорт ҳажмининг кескин ортиши, янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши каби ижобий натижаларга олиб келди;

***учинчидан,*** **тарихи, дини, тили ҳамда қадриятлари бир ва ўхшаш бўлган дўст ва қардош халқлар ўртасидаги муносабатлар қайта тикланди, сўнган умидларга қайта ҳаёт берилди**. Чегараларнинг очилиши, транспорт қатновларининг қайта йўлга қўйилиши, чегараолди ҳудудларда савдо-иқтисодий марказларнинг ташкил этилиши, фаол маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқалари натижасида минтақа халқларининг эртанги кунга умиди қайтди, узилган қариндошлик алоқалари тикланди.

## Марказий Осиёда тинчлик ва тараққиёт

Марказий Осиё минтақаси табиий ресурсларга бойлиги, қарийб саксон икки миллиондан зиёд салоҳиятли инсон ресурсига эга бўлган муҳим ҳудуд ҳисобланади. Шу сабабли минтақадаги вазиятнинг барқарорлигини бузиш ва тинчлигига рахна солишга бўлган ҳаракатлар юзага келиши аниқ. Бугун дунё ўз тарихидаги энг таҳликали ва ўзгарувчан хавф-хатарлар майдонига айланиб бормоқда.

Шундай мураккаб вазият 2024 йилда ҳам минтақалар иқтисодиёти ҳамда сиёсий барқарорлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Бироқ шунга қарамай, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга эришилмоқда.

Ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан минтақада ўзаро ишонч руҳини янада мустаҳкамлаш ҳамда дўстлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган **20 дан зиёд эзгу ташаббус** илгари сурилди. Хусусан, **уларни қуйидаги 10 та муҳим йўналиш кесимида таҳлил қилиш ва кўрсатиш мақсадга мувофиқ**:

<u>*Минтақада иқтисодий шерикликни ривожлантириш йўналишида:*</u> ягона минтақавий бозорни шакллантириш мақсадида **мамлакатлар Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида** доимий фаолият юритадиган **Иқтисодий кенгаш тузиш**га доир таклиф. Мазкур кенгашнинг биринчи мажлиси жорий йил Тошкент шаҳрида ўтказилиши таклиф этилган, унинг доирасида Тошкент шаҳрида Ҳудудлар форуми ва тармоқ конференциялари, саноат салоҳияти кўргазма-ярмаркаси, экспорт имкониятлари тақдимотларини ташкил этган ҳолда Марказий Осиё бизнес ҳамкорлиги ҳафталигини ўтказиш ҳам илгари сурилган.

Мазкур таклифнинг амалга оширилиши қуйидаги 3 та муҳим ижобий жиҳати билан аҳамиятлидир:

***биринчи ижобий жиҳати:*** янги савдо келишувлари тузилиши ва лойиҳаларининг ишга туширилишига;

***иккинчи ижобий жиҳати:*** минтақада товар айланмаси ҳажми кескин ортиб, ички бозорлар янги маҳсулотлар билан тўлиши, нарх-наво барқарорлиги таъминланишига;

***учинчи ижобий жиҳати:*** соғлом рақобат асосида минтақада тадбиркорлик фаолияти янги босқичга чиқишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

<u>*Минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўналишида:*</u> **Марказий Осиё инвестиция кенгашини таъсис этиш**, минтақа мамлакатлари **Инновацион ривожланиш банки**ни ташкил этиш, **қўшма инвестиция форумлари**ни ўтказиб боришга доир таклифлар илгари сурилган.

Шу ўринда таъкидлашни истардикки, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ташаббуслари амалга оширилиши натижасида минтақанинг инвестициявий салоҳияти ошмоқда ва янги имкониятлари кашф этилмоқда.

Юқоридаги таклифларнинг жорий ва келгуси йилларда амалга оширилиши:

— минтақадаги корхоналарга етакчи **халқаро компанияларнинг инвестиция ва технологиялари кириб келиши**га;

**— минтақани саноатлаштириш имконияти бир неча маротаба ортиши**га ҳамда саноат кооперациясини ўзаро қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

<u>*Минтақанинг логистик салоҳиятини ошириш йўналишида:*</u> мамлакатлар **транспорт вазирликлари**, ташувчилар ва экспедиторлар, логистика компаниялари ва мутахассислар иштирокида **Экспертлик конференциясини ўтказиш**га доир таклиф.

Маълумки, минтақа мамлакатлари асосий жаҳон бозоридан анча узоқда. Ушбу ҳолат **бошқаларга нисбатан минтақамиз тадбиркорлари ўз товарларини жаҳон бозорларига етказиб бориши учун қарийб уч баробар кўпроқ харажат қилишини англатади.** Шунинг учун давлатимиз раҳбари 2017 йилдан буён минтақани жаҳоннинг асосий бозорларига улаш, бу борадаги очилмаган имкониятларни ишга солиш мақсадида **10 га яқин самарали транспорт коридорларини ишга тушириш** борасида таклифларни билдириб келмоқда.

**Логистика соҳаси вакиллари иштирокидаги конференцияни ўтказиш:**

**— товарларни анча арзон нархларда жаҳоннинг асосий бозорларига етказиб бориш бўйича янги лойиҳаларнинг ишлаб чиқилишига хизмат қилади.** Хусусан, бугунги кунда Европа Иттифоқи, Хитой, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Яқин Шарқ бозорларига чиқиш бўйича зарур лойиҳалар мавжуд бўлса-да, уларни якунлаш, бу борадаги таҳлилларни амалга ошириш, натижаларини қўлга киритиш зарур ҳисобланади;

**— минтақа логистикасини бугунги замонавий шароитларга мослаштиришга хизмат қилади**. Маълумки, бугунги кунда минтақанинг транспорт тармоқлари ва инфратузилмасининг рақобатбардошлиги у даражада юқори эмас.

Шу сабабли транспорт секторини рақамлаштириш, чегара пунктларининг ўтказиш қобилиятини кенгайтириш, логистика соҳасидаги компаниялар ва улар ходимларининг салоҳиятини ҳам ошириш керак. Шундан ҳам кўриш мумкинки, Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф амалий жиҳатдан жуда долзарб ҳисобланади.

<u>*Минтақада иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш йўналишида:*</u> **Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш комплекс дастури, Трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг минтақавий стратегияси**ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир таклиф.

Иқлим ўзгариши ва унинг минтақага таъсирини камайтириш масаласи доимий равишда кун тартибида бўлиб келган. Чунки иқлим ўзгариши минтақа иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик фаолияти ва туризм каби муҳим соҳа ва тармоқлар ривожига катта тўсиқ юзага келтириши мумкин.

Шундай ўткир ҳақиқатни англаган ҳолда, Президентимиз томонидан билдирилаётган **минтақани барқарор ривожлантиришга доир комплекс дастур, минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир минтақавий стратегия**ни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

**Ушбу эзгу ғояларнинг рўёбга чиқарилиши:**

— минтақадаги халқлар тақдири учун муҳим муаммо — **Орол фожиасига ечим топиш борасидаги ишларнинг жадаллаштирилиши**га;



— турли ноқулай шароитларда **иқлим ўзгаришларига қарши курашиш борасида муқобил ечимларнинг ишлаб чиқилиши**га;

— минтақа ерларининг унумдорлигини сақлаш, **қишлоқ хўжалиги субъектларига етказилиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш** ва улар бўйича зарур чора-тадбирларнинг ўз вақтида қўлланилишига;

— минтақада **сув тақчиллигининг олдини олиш**, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар асосида ишларни олиб боришга хизмат қилади.

<u>*Минтақанинг энергетик қувватини ошириш йўналишида:*</u> **минтақавий кўламда электр энергияси генерациясини ошириш** ва уни **учинчи мамлакатларга экспорт қилиш** бўйича қатор стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқишга доир ишларни **мамлакатлар энергетика вазирларининг доимий учрашувлари доирасида мувофиқлаштириб бориш**га доир таклиф.

Энергетика масаласи минтақамиздаги барча давлатлар олдида турган энг ўткир муаммо ҳисобланади. 2017-2024 йилларда ушбу масала юзасидан давлатимиз раҳбари томонидан **10 га яқин таклифлар билдирилган**, улар асосида бугунги кунда қўшма амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Энергетика соҳасида янги қўшма лойиҳаларни биргаликда амалга оширишда мамлакатлар энергетика вазирларининг доимий мулоқоти муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, энергетика вазирлари ўртасидаги доимий мулоқотларда минтақа энергетикасини ривожлантириш борасидаги яна бир муҳим йўналиш — атом энергетикасини ривожлантиришга доир ишларнинг боришини ҳам муҳокама қилиш долзарбдир.

<u>*Минтақанинг туристик жозибадорлигини ошириш йўналишида:*</u> **“Битта тур — бутун минтақа” тамойили** бўйича **миллий ID карталарни ўзаро тан олиш** ва оммавий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишга доир таклиф.

Минтақамизнинг туристик салоҳияти жуда юқори бўлишига қарамай, ўтган асрлар давомида бунга етарлича эътибор берилмаган. Бироқ Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан минтақа давлатларининг туристик салоҳиятини ошириш, унинг бутун дунёни ўзига ром этувчи имкониятларини ишга солишга эришиб келинмоқда. **Давлатимиз 2017-2024 йиллар давомида 11 маротаба минтақа туризмининг муҳим масалалари бўйича ўзининг асослантирилган таклифларини илгари сурди.** Уларнинг барчаси қўшни давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам тўлиқ қўллаб-қувватланяпти.

Президентимиз томонидан 2024 йилда илгари сурилган **“Битта тур — бутун минтақа” тамойили** бўйича **миллий ID карталарни ўзаро тан олиш**га доир таклиф ўз моҳиятига кўра қуйидаги ижобий жиҳатларига эга:

**биринчидан,** <u>*минтақа халқлари ўртасидаги тарихий ришталар янада мустаҳкамланади*</u>. Чунки бир жойга борган сайёҳ ўша жойдан танишлар орттиради, натижада янги муносабатлар юзага келади;

**иккинчидан,** <u>*мамлакатлар ўртасида соғлом туризм рақобати муҳити шаклланади*</u>. Натижада “янги имтиёзли пакетлар” шаклланади, янги шарт-шароитлар яратишга интилишлар ортади;

**учинчидан,** халқларнинг дунёқараши тубдан ўзгаради, асрий анъана ва қадриятлар сақлаб қолинади.

<u>*Минтақада таълимни ривожлантириш йўналишида:*</u> азал-азалдан минтақамиз таълим бешиги ва цивилизациялар маркази бўлган. Нене олимлар, алломалар, улуғ мутафаккирлар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан бу ҳудуддан. Буларнинг барчасига минтақа халқларининг таълим олишга бўлган юксак эътибори ва иштиёқи асос, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу ўринда минтақа давлатлари раҳбарлари орасида Марказий Осиёда таълим ва илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган энг асосий таклифлар айнан Президентимиз томонидан билдирилганини алоҳида қайд этиш лозим. **Давлатимиз раҳбари 2017-2024 йиллар давомида минтақада таълим, илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги қўшма лойиҳа ва дастурларни ишга туширишга қаратилган 20 га яқин таклифларни илгари сурган.** Айнан 2024 йилда билдирилган **2 та муҳим таклиф**:

**— Марказий Осиё таълим ва академик алмашув дастури**ни қабул қилиш;

**— минтақа мамлакатларидаги етакчи олий ўқув юртларининг дипломларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим**ни ишлаб чиқишга доир таклиф долзарб аҳамиятга эга.

**Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши:**

<u>*биринчидан,*</u> минтақанинг ягона таълим майдонига айланишига;

<u>*иккинчидан,*</u> минтақа халқлари таълими узвийликда ривожланишига;

<u>*учинчидан,*</u> ўзаро имтиёзлар тақдим этиш орқали минтақа миқёсида келгусида фаолият юрита оладиган салоҳиятли кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

<u>*Парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишида:*</u> минтақа мамлакатлари парламентлари ўртасида ўзаро самарали алмашувларни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир таклиф.

Минтақани ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳа ва дастурларни ҳаётга самарали татбиқ этишда парламентлар муҳим роль ўйнайди. Нега деганда, ўзаро имтиёзларни бериш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни тақдим этиш борасидаги барча масалалар парламентлар ваколатига бевосита тааллуқли ҳисобланади. Парламентлар томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади.

Бу борада Ўзбекистон раҳбари минтақадаги ислоҳотларни уйғун равишда олиб бориш жараёнига ҳар сафар парламентларни жалб этиш зарурлиги ҳақида фикр билдириб келмоқда. Мана шундай ташаббуслардан бири сифатида 2024 йил 12-13 сентябрь кунлари Хивада бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатларининг иккинчи парламентлараро форумини айтиш жоиз.

**Парламентлараро форум давомида минтақа халқлари учун муҳим масалалар**: минтақа давлатлари ўртасидаги келишувлар устидан ҳамкорликда парламент назоратини таъминлаш, маҳаллий вакиллик органлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, ҳамкорликдаги лойиҳа ва дастурлар рўйхатини шакллантириш, ижроси устидан мониторинг олиб бориш каби долзарб масалалар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар режаси тасдиқлангани давлатлар ўртасидаги ишларни олиб боришда олий ва маҳаллий вакиллик органлари назоратининг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади.

<u>*Минтақанинг маданий-тарихий меросини асраб-авайлаш йўналишида:*</u> **“Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак” халқаро медиа платформаси**ни ишга туширишга доир таклиф, шунингдек, <u>*минтақада ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишида:*</u> **“Марказий Осиё ёшлар кун тартиби — 2030”ни илгари суриш** ва ёш авлодни ҳамкорлик дастурларига жалб қилиш учун доимий равишда **Инновацион ғоялар ва лойиҳалар минтақавий ёшлар танлови**ни ўтказишга доир таклифлар ҳам минтақа давлатлари ва халқлари ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этиш лозим.

## Улуғ хизматларнинг муносиб эътирофи

Президентимизнинг Марказий Осиё минтақасида, шунингдек, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қўшаётган тарихий хизматлари муносиб эътироф этилаётгани барчамизга ифтихор бағишлайди. Таъкидлаш керакки, 2024 йилда давлатимиз раҳбарининг минтақада ва умуман, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш, халқлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш борасидаги ташаббуслари минтақа ва дунё давлатлари томонидан юксак баҳоланди. Жумладан:

**биринчи юксак эътироф:** 2024 йил 6 июнь куни ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари, олий даражадаги ишончли мулоқот ҳамда икки томонлама кўп қиррали муносабатларни жадал ривожлантиришга қўшган тарихий хизматлари учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған томонидан **“Туркия Республикаси нишони”** тантанали равишда топширилди.

2017 йилдан буён Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари ўзининг энг яхши даврини бошлади. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари бошчилигида 30 га яқин соҳаларда Туркия давлати билан кенг кўламли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, ўзаро давлат ташрифлари кўп маротаба амалга оширилди. Ушбу нишон, бир сўз билан айтганда, Туркия давлати ва халқининг юксак эътирофи рамзи ҳисобланади.

**Иккинчи юксак эътироф:** 2024 йил 9 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун **Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони** тантанали топширилди.

Мазкур Фахрий нишоннинг давлатимиз раҳбарига тақдим этилиши том маънода Ўзбекистоннинг минтақа ривожи учун қўшаётган улкан ҳиссасининг юксак эътирофи бўлди. Эътибор берадиган бўлсак, ушбу нишон:

***биринчи,*** минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги ташаббусларни илгари сурганлик, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида саъй-ҳаракатлар қилганлик;

***иккинчи,*** яқин қўшничилик алоқаларини ўрнатиш, уларни сақлаш ҳамда ривожлантириш борасидаги хизматлар учун;

***учинчи,*** минтақа давлатлари олдидаги муҳим масалалар юзасидан аниқ ва асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиб, улар бўйича минтақа давлатлари ва халқлари бирдек манфаат кўргани учун тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари 2017-2024 йилларда минтақадаги иттифоқчилик муносабатлари **(хусусан, Қозоғистон ва Тожикистон давлатлари билан),** халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ривожланиши, яқин қўшничилик алоқалари янги босқичга кўтарилиши борасида тарихий хизматлари билан ўчмас ном қолдириб бормоқда.

**Учинчи юксак эътироф:** давлатимиз раҳбари минтақа халқларининг адабиёти, санъати ва миллий қадриятлари ривожи учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, бугунги кунда юртимизда туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғийнинг ижоди юксак қадрланмоқда, шоирнинг хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу эътибор қардош туркман халқи томонидан юксак қадрланди. 2024 йил 12 октябрь куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов Президентимизга **“Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллиги” эсдалик медали**ни тантанали равишда топширди.

Маълумки, Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилади. Икки қардош эл учун бирдек ардоқли шоирнинг баркамол асарлари мамлакатимизда мунтазам равишда йирик ададларда нашр этилмоқда. Тошкент ва Хива шаҳарларида шоир хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари табаррук зиёратгоҳларга айланган.

2024 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида юртимизда Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги кенг нишонланди.

Туркман адибининг хотирасига қилинган шундай ҳурмат, аввало, қардош туркман халқининг тарихи, маданияти ва санъатига ҳурмат намунасидир.

**Тўртинчи юксак эътироф:** 2024 йил 24 октябрь куни Ўзбекистон ва Татаристон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Президентимиз **Татаристон Республикасининг давлат мукофоти — “Дўстлик” ордени** билан тақдирланди.

Ўзбек ва татар халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳам бугун ўзининг энг юқори даврига чиқди. Буни ўзаро ҳамкорлик алоқалари мисолида ҳам кўриш мумкин. 2022 йилдан буён ўзбек ва татар ишбилармон доиралари ўртасида бизнес-форумлар ўтказиш анъана тусига кирди. Форумлар доирасида ўзаро келишувларга эришилаётгани, миллиард долларлик қўшма ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилгани ва бугунги кунда ўзининг иқтисодий самарадорлигини кўрсатаётганини қайд этиш зарур.

Биз сўз билан айтганда, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг ҳукм суриши минтақа халқлари каби бизнинг азиз халқимиз ва жонажон юртимиз учун ҳам бирдек зарур. **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказишдек улкан мақсадларни белгилаганмиз. Бундай юксак натижаларга фақатгина битта йўл билан — у ҳам бўлса, минтақамиздаги қўшниларимиз билан биргаликда эришамиз.**

Бугунги кунда дунёда юзага келаётган таҳликали вазиятда омон қолишнинг ҳам ягона йўли бу — минтақа давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз бошчилигида юритилаётган оқилона сиёсат — минтақа давлатлари билан олиб борилаётган дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, Янги Ўзбекистон деган улуғ ғояни реалликка айлантириш борасида барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз зарур.



# ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ:

## ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ



**Илҳом МАҲКАМОВ,**
**транспорт вазири**

**Бошланиши 1-бетда**

Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Эрон, Афғонистоннинг Хитой ва Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан экспорти ва импортини ривожлантириш учун ҳам муқобил йўлак вужудга келади. Шу тариқа Қирғизистон ва Ўзбекистон Хитой орқали Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларига тўғридан тўғри темир йўл орқали чиқиш, Хитой эса ўзининг "Бир макон, бир йўл" ташаббусига мувофиқ Европа Иттифоқи мамлакатларига қўшимча қуруқлик йўлагига эга бўлади.

Шунингдек, бундай кенг кўламли лойиҳанинг амалга оширилиши иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли устида биргаликда ишлаш сиёсий ва иқтисодий барқарорликка, шунингдек, йўналиш бўйлаб инфратузилмани ривожлантиришга ёрдам беради. Янги йўллар, бекатлар ва логистика марказлари ҳудуд ривожи учун қўшимча қулайликлар яратади. Миллионлаб одамлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу лойиҳа нафақат транспорт алоқаларини яхшилайди, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш учун ҳам йўл очади.

**Биринчидан,** темир йўлнинг ишга туширилиши иқтисодий ўсишга кучли туртки беради. Янги транспорт йўлаги юкларни етказиб бериш вақти ва харажатларини қисқартиради. Бу эса экспортнинг рақобатбардошлигини ошириб, товарларни истеъмолчилар учун янада арзонлаштиради. Темир йўл қурилиши ва ундан фойдаланиш минглаб одамларни, айниқса, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларни иш билан таъминлайди. Транспорт харажатларини камайтириш ва логистикани яхшилаш кичик ва ўрта бизнесни, айниқса, ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларини ривожлантиради.

**Иккинчидан,** транспорт қулайлиги яхшиланиши яна бир муҳим афзалликдир. Темир йўл олис ҳудудларни йирик иқтисодий марказлар билан боғлайди, бу эса одамлар ва товарлар ҳаракатини осонлаштиради. Келажакда саёҳатларни тезроқ, қулайроқ ва арзонроқ қилади.

**Учинчидан,** темир йўл минтақа мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлайди. Одамлар ўзаро ҳамкорлик қилиш, тажриба ва билим алмашиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлади. Аҳоли мобиллигини ошириб, маданиятлар алмашинуви ва халқлар ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Лойиҳа Хитой ва Марказий Осиё, Яқин Шарқ давлатлари, Афғонистон ўртасидаги ўзаро боғлиқликни намойиш этиб, уларнинг муносабатларини янада жипслаштиради.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини геоиқтисодий жиҳатдан Марказий Осиё транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва Хитой билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббус, десак ўринлидир. У минтақада юк ташиш вақти ва харажатларини қисқартириш, иштирокчи мамлакатларнинг транзит салоҳиятини ошириш, Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг иқтисодий интеграциясини кучайтириш, шунингдек, Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайди. Инвестицияларни жалб қилиб, инфратузилмани ривожлантиради.

Темир йўл Евроосиё маконида савдо оқимларини сезиларли даражада диверсификация қилиш учун катта аҳамиятга эга. Логистика алоқаларини яхшилаш учун янги имкониятлар очади, шунингдек, лойиҳада иштирок этувчи ҳудудларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Ушбу йўлак Хитой ва Европа ўртасидаги темир йўл масофасини 900 километрга қисқартиради ва мавжуд йўналишларга муқобил бўлади. Таҳлилларимизга кўра, Хитойнинг Туркия, Эрон, Туркманистон, Афғонистон, Покистон каби давлатлар билан юк ташиш ҳажми қарийб 50 миллион тоннани ташкил этиб, юк ташишнинг асосий ҳажми денгиз транспорти орқали амалга оширилган. Юкларнинг бир қисми Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон йўналишига жалб этилса, ҳажм тахминан 10 миллион тоннага етиши мумкин, йўналиш бўйлаб юк ташиш барқарор ташкил этилса, 2040 йилга бориб юк ташиш ҳажми бир неча баробар ошади.

Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўл линиясини қуриш лойиҳасини амалга оширишда, шунингдек, Ҳиндистон — Покистон — Афғонистон — Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой йўналиши бўйича энг кўп аҳолига эга бўлган Ҳиндистон ва Хитойни темир йўл тармоғи билан боғлайди.

Бугунги кунда Хитой ва Ҳиндистоннинг умумий темир йўллари йўқ. Чунки бу мамлакатлар табиий тўсиқ — Ҳимолай тоғлари билан ажралиб туради ҳамда савдо Тинч ва Ҳинд океанлари билан денгиз транспорти орқали бажарилади. Хитойнинг ғарбий континентал минтақаси — Шинжон-Уйғур автоном ҳудуди тез суръатлар билан ривожланаётгани ва юкларни Ҳиндистон портларига етказиш учун Хитойнинг бутун ҳудудини унинг жанубий ҳудудларигача кесиб ўтиш кераклиги юк ташиш учун ноқулай омил ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, Евроосиёнинг асосий портлари бандлиги, шунингдек, юкларни етказиб бериш тезлигини ошириш зарурати туфайли Хитой қуруқликдаги трансконтинентал йўналишлар бўйича ташишларни қайта йўналтириш ва логистикани ривожлантириш бўйича ишларни кучайтирди. Бугунги воқеликда мавжуд йўлакларнинг ўтказувчанлик қобилияти етишмаётгани сезилмоқда.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон лойиҳалари амалга оширилиши билан илк бор Жанубий Осиё темир йўлларини бутун Евроосиё транспорт тармоғи билан, ШҲТнинг барча иштирокчиларини эса ягона темир йўл магистрали билан боғлаш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги географик жойлашуви истиқболли транзит транспорт йўлакларини шакллантириш вазифасини қўймоқда. Шу тариқа Ўзбекистон келажакда Шимол — Жануб ва Ғарб — Шарқ ўртасидаги чорраҳа бўлиши мумкин. Бу ерда республикамизнинг бутун ҳудуди, умуман, Марказий Осиё ягона йирик логистика хаби — жаҳон аҳамиятига



эга бозор сифатида кўриб чиқилади. Яқин келажакда транспорт тармоғини ривожлантириш стратегияси тўғри тузилган, уни жаҳон темир ва автомобиль йўллари тармоғи билан интеграциялашган ҳолда транспорт соҳасида юк айланмаси, юкларни етказиб бериш тезлиги, транзит юклар ҳажми, йўловчилар айланмаси ва шу билан бирга, транзит сайёҳлар оқимини ошириш каби асосий кўрсаткичларга эришилади. Бу эса, ўз навбатида, мултимодал ташувларнинг янада ўсиши ва ривожланиши ҳисобига Марказий Осиё минтақасига жозибадорлик ва минтақадаги транспорт йўналишларининг рақобатбардошлигини оширади.

### Қулайлик — жамоат транспорти хизматида асосий мезон

Бугун Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, иқтисодий юксалиш ва улкан янгиланишлар майдонига айланди. Аҳоли турмуш даражаси янада юксалмоқда. Шаҳарлар ва қишлоқлар обод бўлиб боряпти.

> **ҲУДУДЛАРДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ҲАРАКАТ ТАРКИБИНИ ЯНГИЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ЯНА 250 ДОНАДАН ОРТИҚ ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРГА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЎТКАЗИБ БЕРИЛГАН. МАЗКУР АВТОБУСЛАР ҲАМ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ РАВИШДА ҲУДУДЛАРГА ОЛИБ КЕЛИНАДИ.**

Президентимиз ташаббуси билан барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз мазмун-моҳияти билан нафақат мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтармоқда, балки янги Ўзбекистон моделини дунёга намоён этмоқда.

"Инсон қадри учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугун оддий инсонлар ҳаёти, кундалик турмушида, қўйингки, ҳар бир кунимизда ўз аксини топмоқда.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз транспорт тизими жаҳон талаблари даражасида шаклланмоқда. Хусусан, бу борадаги энг муҳим йўналиш жамоат транспорти тизимини ривожлантириш билан боғлиқ масаладир. Зеро, жамоат транспорти одамларнинг узоғини яқин қиладиган, аҳоли кайфиятига тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган, харажати ва вақтини тежайдиган воситадир. Шу мақсадда юртимизда жамоат транспортининг асосий қисми бўлган автобуслар ҳаракати ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ва дастурлар фаол амалга оширилмоқда. Автобуслар паркини янгилаш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишлари уйғун тарзда олиб бориляпти.

Ўтган тўрт йил давомда автомобиль транспорти фаолиятини тартибга солиш ва соҳадаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда инфратузилмани такомиллаштириш юзасидан 20 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. 2024 йилда жами 749 дона автобус харид қилиш учун тўловлар амалга оширилиб, бугунги кун ҳолатига 454 та автобус ва электробуслар олиб келинди. Шунингдек, ташаббускор тадбиркорлар томонидан 502 та микроавтобус харид қилиниб йўналишларга жойлаштирилди.

Аҳамиятли жиҳати, харид қилинган замонавий автобус ва электробусларнинг



барчаси паст полли шаҳар автобуслари бўлиб, имконияти чекланган йўловчилар ҳаракатланиши учун қулай ҳамда махсус пандуслар билан жиҳозланган. Жамоат транспорти жозибадорлигини ошириш, автобусларнинг йўналишларда мунтазам ва бир маромда ҳаракатини ташкил этиш орқали фойдаланувчилар қамровини кескин кўпайтириш мақсадида Нукус шаҳри ва вилоят марказлари жамоат транспорти тизими ҳамда инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича Бош режалар ишлаб чиқилди.

Яна бир муҳим ўзгариш — ҳудудларда ҳам жамоат транспорти тизимига брутто-шартномалар жорий этилди. Ўтган йили харид қилинган янги автобусларнинг барчаси ҳудудларда брутто-шартнома асосида йўналишларга жойлаштирилди.

Брутто-шартномалар бу — йўловчи ташишни ташкил этиш модели бўлиб, унда барча тушумлар шаҳар бюджетининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва шаҳар маъмурияти йўловчи ташувчига йўналишлар бўйича тўловларни бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб, сифат назорати остида ўтказиб беради.

Янги молиялаштириш ва бошқарув модели йўловчи ташиш билан шуғулланувчилар бажариши зарур бўлган 15 та асосий шартларни ўз ичига олади. Йўловчи ташувчиларни баҳолашнинг асосий мезонлари миқдорий кўрсаткич, яъни йўналишга шартномада кўрсатилган миқдорда автобуслар чиқиши ва белгиланган рейсларни амалга ошириш ҳисобланади. Агар йўловчи ташувчи миқдорий кўрсаткичнинг 90 фоиздан кўпроғини бажарса, шаҳар ҳокимлиги унинг харажатларини қоплайди.

Йўловчи ташувчи сифат кўрсаткичи — ҳаракат жадвали ва интервалларига риоя қилиши (автобус йўлга қайси вақтда чиқиши, қачон маълум бир бекатга келиши), шунингдек, санитария шароитлари (салон ва автобуснинг тозалиги, ҳайдовчиларнинг ташқи кўриниши)га қараб фойда олади.

2024 йилда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Самарқанд, Наманган, Гулистон, Навоий, Фарғона ва Урганч шаҳарларида брутто тизими йўналишлари ташкил этилди.

Шунингдек, брутто-шартнома тизимида автобусларнинг бажарилган иш ҳажми ҳамда сифат мезонларини мониторинг ва назорат қилиш юзасидан вазирлигимизнинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида "Йўловчи ташишни мониторинг ва назорат қилиш" давлат муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, Марказлашган диспетчерлик хизмати ташкил этилди.

Марказлашган диспетчерлик хизмати томонидан брутто-шартнома асосида фаолият кўрсатилаётган йўналишлардаги қатновлар назорат қилиб борилмоқда. Натижада ҳудудларда жамоат транспорти қатновидаги ижобий ўзгаришларни бугун йўловчилар ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

Брутто-шартномасига ўтказилган йўналишларда ҳаракат таркиблари замонавий автобус ва электробусларга ўзгартирилгани, қатновлар мунтазамлиги, оралиқ вақтларнинг 40-30 дақиқадан 10-5 дақиқагача қисқартирилиши, кечки соат Тошкент шаҳрида 00:00 гача ва бошқа шаҳарларда 22:00 гача қатновлар йўлга қўйилишига эришилди.

Бугунги кунда ҳудудларда ҳам жамоат транспорти тизимини рақамлаштиришнинг янги тартиб ва усуллари жорий этиб келинмоқда. Электрон тўловларни оммалаштириш, йўловчилар учун қулай тарифлар ҳамда табақалашган тарифларни жорий этиш кабилар шулар жумласидан.

Яъни жамоат транспортида тўлов тизимидан тортиб, кунлик йўловчи ташувлари сони, сифатини назорат қилишнинг бари автоматлаштирилган тизимга ўтди. Айниқса, тўловларни нақд пулда эмас, балки АТТО ва банк карталари орқали амалга ошириш кўпчилигимизга қулайлик яратаётгани рост. Электрон тизимларни қўллашдан кўзланган асосий мақсад, аввало, шаффофликни таъминлашга қаратилган.

Айни шу мақсадда бугунги кунда Самарқанд, Урганч, Қарши, Андижон, Қўқон, Бухоро, Зарафшон, Янгийўл, Нукус ва Наманган шаҳарлари автобусларига электрон тўлов тизими тўлиқ жорий этилди.

Бунинг натижасида Тошкент шаҳрида автоматлаштирилган тўлов тизимидан фойдаланиш 70 фоиз, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида 20 фоиз ва бошқа шаҳарларда 10 фоизга етди. Шунингдек, Тошкент шаҳар автобус йўналишларида автоматлаштирилган тўлов тизимини такомиллаштириш юзасидан ҳукумат қарори тасдиқланиб, 2025 йил 1 январдан бошлаб шаҳар автобусларида нақд пулни қабул қилиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Мазкур тартибни жорий қилиш юзасидан Тошкент шаҳрида бекатлар ва уларга яқин нуқталарда QR-кодли чипталар харид қилиш учун 5000 тадан ортиқ инфокиоскалар ташкил этилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар натижасини аниқ мисоллар билан кўрадиган бўлсак, хусусан, Наманган шаҳри учун Хитойнинг автобус ишлаб чиқарувчи "Yutong" компаниясидан йўловчилар учун барча қулайликларга эга бўлган, сиқилган табиий газда ишловчи 36 дона замонавий автобус олиб келинди.

Мазкур автобусларнинг шаҳар ичидаги 3 та йўналишга брутто-шартнома асосида қатнови йўлга қўйилди. Брутто тизими орқали қатновлар йўлга қўйилгунга қадар мазкур йўналишларда бир кунда 9100 дан ортиқ йўловчиларга 15-20 дақиқа оралиқ интервал билан жами 54 дона "ISUZU" русумли кичик сиғимли автобусларда хизмат кўрсатилган бўлса, 36 дона замонавий автобусларнинг йўналишларга қўйилиши орқали бир кунда 15 минг 300 нафардан ортиқ йўловчига 10-12 дақиқа оралиқ интервал билан хизмат кўрсатишга эришилди.

Фарғона шаҳри учун вилоятда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан 48 дона "Yutong", "Zhong Tong" ва "Asia Star" русумли автобуслар харид қилинди. Ушбу янги автобуслар бугунги кунда 4 та шаҳар ичи автобус йўналишларида ҳаракатланмоқда. Мазкур йўналишларда йўловчиларга брутто-шартнома асосида хизмат кўрсатилмоқда.

Урганч шаҳри жамоат транспорти учун "Ўзмиллийбанк" АЖнинг кредит маблағлари ҳисобидан Хитойнинг "Zhong Tong" компаниясида ишлаб чиқарилган 50 дона замонавий автобуслар харид қилинди. Ушбу автобуслар Урганч шаҳри ичидаги 4 та автобус йўналишларига брутто-шартнома асосида жойлаштирилди. Харид қилинган автобусларнинг йўналишларга жойлаштирилиши орқали қатновларнинг оралиқ вақти 18 дақиқадан 10 дақиқага қисқарди, бир кунлик қатновлар сонини 736 тадан 1024 тагача оширилди.

Қарши шаҳри учун 32 дона "Asia Star" русумли автобуслар харид қилиниб, брутто-шартнома асосида жойлаштирилиб, кунлик йўловчи ташиш ҳажми 3 баробар, оралиқ интервални эса 2 баробарга қисқартиришга эришилди.

Самарқанд шаҳрида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан 27 дона замонавий автобус олиб келиниб, 8 та йўналишга жойлаштирилди. Мазкур йўналишларда брутто шартномаси асосида ҳаракатланиш йўлга қўйилгандан сўнг автобуслар оралиқ интервали 25-30 дақиқадан 10-15 дақиқага камайди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри жамоат транспорти тизимини ривожлантириш борасида яна бир муҳим лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан "Яшил шаҳарлар" дастури доирасида ўтган йили шаҳарга "Yutong" русумли 36 та электробус олиб келинган эди. 2024 йил давомида яна 64 дона шу русумдаги электробус ва уларни қувватлаш ускуналари олиб келиниб, ушбу лойиҳа доирасидаги жами электробуслар парки 100 донага етказилди. Мазкур электробуслар бугунги кунда босқичма-босқич шаҳар автобус йўналишларига жойлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда жамоат транспорти ҳаракат таркибини янгилаш бўйича тадбиркорлар томонидан яна 250 донадан ортиқ замонавий автобусларни харид қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчи корхоналарга пул маблағлари ўтказиб берилган. Мазкур автобуслар ҳам босқичма-босқич равишда ҳудудларга олиб келинади.

Вилоятлараро, шаҳарлараро йўналишларда хавфсиз, арзон ва сифатли ташувларни ташкил этиш ҳам муҳим масала. Шу боис, ушбу турдаги автобус қатновлари икки баробар оширилди. Ҳозир республикамиз бўйича жами 95 та шаҳар ва вилоятлараро йўналишларда автотранспорт қатновлари ташкил этилган. Шундан кунига Тошкент шаҳрини бошқа ҳудудлар билан боғловчи 47 та йўналишда кунига 277 та қатнов ҳамда бошқа ҳудудлар ўртасидаги ташкил этилган 48 та йўналишда кунига жами 355 та қатнов йўлга қўйилган.

Шунингдек, вилоятлараро йўналишларда чипталарни онлайн харид қилиш "UZBUS" тизими жорий қилиниб, босқичма-босқич оммалаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган тўрт йил давомида халқаро йўналишлардаги автобус қатновлари сони икки баробарга оширилди. Бугунги кунда Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг шаҳар ва вилоятларига жами 39 та автобус йўналишларида 274 та автобус қатновлари фаолияти йўлга қўйилган.

Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистон транспорт тизими жадал ривожланмоқда. Бунда амалга оширилаётган йирик ва халқаро аҳамиятга молик лойиҳаларнинг ўрни алоҳида. Уларнинг самараси яқин йилларда янада яққолроқ намоён бўла бошлайди.



Таҳлил ва таққос



# МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ РУҲИ, ШАХС МАСЪУЛИЯТИ



**Отабек ҲАСАНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари**

**Бошланиши 1-бетда**

Бугун ўзгаришлар силсиласида худди Амир Темур қолдирган вазият акс этаётгандек. Президентимиз томонидан тараққиёт иқтисодиёт, маънавият, маърифатга асосланиши, инсон қадрини кўтаришдаги адолат, минтақалараро дўстлик руҳининг қайтгани, жаҳон минбарларидан туриб, куч сиёсатини эмас, тинчлик, инсонийлик асосига қурилган умумбашарий ғояларнинг илгари сурилиши, буюк бобокалонимиз айтганидек, миллат толеини баланд, давлат тинчлигини мустаҳкам қилишга қаратилмоқда.

Айниқса, бу борада Президентимизнинг мустақилликни асрашдаги муҳим тизим — Хавфсизлик кенгаши билан бир қаторда Маънавият ва маърифат кенгаши раиси бўлгани, буюк саркарда айтганидек, **давлатни куч-қудрат билан бирга маърифат ила бошқариш моҳиятини ҳам акс эттирмоқда.**

Давлатимиз раҳбари 2023 йил сўнгида Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказиб, бугунги ватан ва халқ тақдирига таҳдидлар замонида яна бир бор маънавият, маърифат масаласини кун тартибига олиб чиқди, зиёлилар фикрларини тинглади.

Ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда ватанимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш осон бўлмаётгани, тарихда бундай вазиятларда миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққани эсланди.

## Илм ўқуб қилмаган амал...

Алишер Навоийнинг бундай сатрлари бор: **“Илм ўқуб қилмаган амал мақбул, Дона сочиб кўтармади маҳсул”**. Зиёли фақат сўзда эмас, аслияти, амали, фидокорлиги билан ҳам бу мақомга муносибдир. У илмини улашиб, жамиятга нур, фикрини улашиб, тараққиётга кенг йўл очади.

К.Юнг классификацияси билан айтганда, интроверт, яъни ўз манфаатлари билан яшовчи шахсдан экстровертга, яъни умумманфаатлар йўлида хизмат қилувчи, жамият унга зарурлигини англаб етувчи шахслар бизга кўпроқ зарур. Афсуски, сўнгги вақтларда мизантроплар, яъни кийими замонавий, дипломи аъло, маълумоти олий, лекин одоб-ахлоқдан йироқ, қадриятларни тан олмайдиганлар ҳам пайдо бўла бошлади. Уларни кўриб, доно халқимизнинг “Олим бўлма, одам бўл” деган пурмаъно гапини эслаш кифоя.

Шу сабаб Маънавият ва маърифат маркази, аввало, том маънода аслияти зиёли, қалби уйғоқ, ватан тақдирига бефарқ қарамайдиган фидойилар бирлашуви йўлида қатор ташаббусларни амалга оширди. Хусусан, 2024 йил давомида зиёлилар, олимлар, ижодкорлар билан 30 маротаба учрашилди, фикр алмашилди, биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олинди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **“Тамаддун, маданият ва маърифат” шиори остида “Маърифат карвони”** илмий-маърифий ва маданий тарғибот тадбирлари илк бор зиёлиларнинг ўзаро мулоқот платформаси шаклида ўтказилди.

Унда 14 та ҳудудда ўтказилган тадбирлар давомида 78 мингдан зиёд иштирокчи қатнашди. Президент ташаббуси билан маънавият тарғиботчилари сафига қўшилган ҳожи отахон ва онахонларимиз ҳам бу тадбирларда иштирок этди. Биргаликда тарғибот ишларини ташкил қилиш борасида мулоқотлар қилинди, тарғиботчи ҳожилар учун қўлланма сифатида **“Янги Ўзбекистон фидойиси”** китоби тайёрланди, ҳар бир тарғиботчи ҳожиларимизга тарқатилди. Мақсад ягона — зиёлиларнинг бирлашуви, ҳамжиҳатликда жамиятга маънавий руҳ, маърифат нурини олиб киришдир.

Президентимиз йиғилиш давомида маънавий-маърифий соҳа ходимларининг масъулияти ҳақида ҳам айтиб ўтганди. Шу маънода, марказ томонидан соҳанинг 43 минг 857 нафар вакили фаолиятини тизимли мониторинг қилиш мақсадида **“MMM.KPI.UZ”** рақамли платформа лойиҳаси ишлаб чиқилди. Платформа бошқа тизимлар билан интеграция қилиниб, соҳа вакиллари фаолиятини баҳолаш ва уларга методик кўмак бериш имконини яратади.

Сабаби бугун бу соҳа ходимлари қанчалик ўз ишини яхши кўрса, тўғри ишласа, фидокор бўлса, бутун жамиятда маънавият янги куч, янги ҳаракатга айлана олади.

## Ёшлар тарбияси — “ўзбек”, “ўзбекистонлик” деган номларнинг абадий сақланиши дегани

Давлатимиз раҳбари кенгайтирилган йиғилишда ва албатта, ўтган йил давомидаги ҳар бир нутқи, учрашувда қайта ва қайта фарзандларимиз ахлоқи, тарбиясига жиддий эътибор бериш шартлигини таъкидлади.

Бу бежиз эмас, албатта. Бугун инсоният олдида энг оғир иш турибди. Зеро, ҳали ҳеч бир даврда бунақа рақамли авлод билан ишлашга тўғри келмаган. **Бугун болаларимиз эшитадиган манба, кўрадиган маълумотлар оқими катта. Замонавий ҳаётимизда бу оқимга тўсиқ қўйиб бўлмаслиги аён. Яхши биласиз, бола руҳиятида тақиққа қизиқиш ортади.**

Биз аввал анъанавий тарздаги саноқлигина мафкуравий хуружларни билардик. Лекин ҳозир уларнинг салмоғи ҳам, тури ҳам ортиб бормоқда. Баъзан унинг ҳатто мафкуравий таҳдид эканини кимдир англамай қолмоқда. Буларнинг барчаси тезкорлик билан, ҳар куни, миллионлаб информациялар ичида берилмоқда. Ёшларни манипуляция қилиш, бизга ёт, қадриятларимизга бегона одатларни сингдиришга уринишмоқда.



Бугун ижтимоий тармоқларда идеал дунё, идеал ҳаёт, деган хавфлар пайдо бўлмоқда. Интернетда яшаб, контентлар билан ўйлайдиган, трендлар ичида яшайдиган, натижада ўз ҳаётидан норози, интернетдаги гўзал, идеал тасвирлар қурбонига айланаётган авлод шаклланиб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, фейк, яъни нотўғри ахборотлар тўғри, ҳаққонийсига қараганда 6 баробар тез тарқалади. Бу бугун ахборот маконимизда мафкуравий таҳдидлар хавфи шу даража юқори эканини кўрсатади.

Маълум бўлишича, глобал медиаплатформалардаги контентларнинг 70 фоизи Ғарб давлатлари томонидан тарқатилади. Бу бугун ҳар 10 нафар ўзбек боласининг 8 нафари Ғарб қадриятлари таъсирида яшамоқда, ўйламоқда, ҳаракат қилмоқда, дегани. Бунинг хавфи эса эртагина эмас, бугуноқ кўзга ташлана бошлади.

2023 йилда дунё бўйича ҳар сонияда 8,4 киши турли ижтимоий тармоқларга обуна бўлган, 2024 йилда уларнинг сони 5,6 фоиз ўсиб, 266 миллион нафарга кўпайган. Ҳозир Ер юзида ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сони 5,04 миллиарддан кўп бўлиб, улар бир кунда ўртача 2 соату 23 дақиқа вақтини интернет учун сарфлайди.

Ижтимоий тармоқларда ўтказилаётган сўровномаларга берилаётган ачинарли жавоблар, ёшларимиз олаётган видеоконтентлар, ўйлаб топилаётган байрамлару урф-одатларни айтмаса ҳам бўлади. Сабаби бугун дунё бўйлаб 60 фоиз одам ахборотни ижтимоий тармоқлар орқали олади. 2023 йилда сиёсий жараёнларнинг беқарорлашувига 100 дан ортиқ йирик киберҳужум сабаб бўлган.

Шу боис, марказ ўз фаолиятининг асосий қисмини ижтимоий тармоқларга қаратиб, ёшларбоп контентлар тайёрлашга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсад йўлида марказ ҳузурида интерактив **Рақамли тарғибот лабораторияси** ташкил этилди. Бугунги кунда унда видеороликлар, аудиоматериаллар, кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар тайёрланяпти.

Аҳолининг турли қатлами билан маънавий тарбия ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида 3 та ёш тоифаси — “X” (катта ёш), “Y” (ўрта ёш) ва “Z” (кичик ёш) авлод вакиллари ўртасидаги мавжуд вазият таҳлил қилинди. “Z” авлод вакиллари 73 фоиз вақтини ижтимоий тармоқларга сарфлайди, ҳар қандай ахборотни рақамли кўринишда олади.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, “Oyina.uz” порталида 4 босқичда **“Китоблараро 80 кун”** марафони ташкил этилди. 3 ой давомида 40 мингга яқин ёш қамраб олинди.

Хусусан, рақамли форматда **“Агар”** токшоуси, **“Устоз” лойиҳаси, “Буюк миллат тарихи”, “Матонат”, “Сиёсий маърифат соати”, “Қонли октябрь”, “Жасорат”, “Аудиомутолаа”, “Театр куни”, “Зиёлилар минбари”** телелойиҳалари яратилди.

Чоп этилаётган ҳар бир қўлланма, китобларга замонавий руҳ олиб кирилди. Хусусан, **“Мен ҳам ҳарбий бўламан”, “Буюклар ҳақида 100 та факт”** китоб-альбомлари тайёрланиб, буюк аждодларимиз ҳақидаги фактлар суратлар ёрдамида тасвирланиб, махсус QR-код ва сунъий интеллект ёрдамида суратлар жонлантирилди.

Шунингдек, **“Соф тил”** телеграм боти яратилди. У орқали ёшларимиз, кенг аҳоли қатламида ўзбек тилига ҳурмат-эътибор ва жамиятда мавқеини юксалтириш борасида дахлдорлик билан яшаш кўникмасини шакллантириш мақсад қилинди.

Бир фактга эътибор қаратайлик, Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, дунёда 2 миллиардга яқин одам турли тўқнашувлар ва зўравонлик бўлаётган, беқарорлик ҳукм сураётган минтақаларда яшамоқда. Ачинарлиси, уларнинг учдан бир қисмидан зиёди 15-24 ёшлилардир.

Тезкор дунёмизда тинч ҳолатда улғаяётган, таълим олаётган ҳар бир фарзандимиз учун шукр қилиш билан бирга уларни турли хавфлардан асраш, келажак таҳдидлари борасида огоҳ бўлиш бизнинг — барчамизнинг вазифамиздир.

## Ватанпарварлик: сўз ва амал бирлиги

Ватанга муҳаббат инсон яралганидан бери унга ҳамроҳ туйғу, кучли эътиқод ва тарбия маҳсулидир. Шарқ ёки Ғарбда бўлмасин, бу туйғунинг яшовчанлиги инсон қалби билан боғланиб, онгда англанадиган, иш билан исботланадиган муҳим ҳаётий фаолият сифатида қараб келинган.

**Ҳазрат Навоий асрлар қаъридан “Ватан таркин бир нафас айлама” деса, Гёте “Бегона юрт ватан бўла олмайди”, дея уқтирган.**

Тарихда ватанпарварлик сўз билан эмас, амалий ҳаракатлар билан кўрсатилган, аниқ мақсад йўлида кучайтирилган, таҳдидларга қарши туришда энг қудратли куч сифатида кўрилган. Буюк Амир Темур жангларда енгилмас саркарда сифатида тарих саҳнасида қолиши замирида ҳам аслида ҳарбий-ватанпарварлик, аскарлар руҳиятига қаратилган катта эътибор, руҳий тарбия бор.

Зеро, ватанпарварликни англатиш учун қанча кўп ҳаракат қилинмасин, англаниш аниқ фаолият кўринишига кўчмас экан, у натижа бермайди, мақсадга элтмайди ҳам.

Биз узоқ йиллар ватанпарварликни англатишга, у ҳақда фақат гапиришга ҳаракат қилдик. Аслида, ватанпарварлик аввало англаниб, сўнгра фаолият билан тирик бўлган жараёндир. Шу сабаб **давлатимиз раҳбари 2024 йилдаги ҳар бир чиқишида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, буни таълимнинг ажралмас қисмига айлантириш, фақат ҳарбийлар эмас, ҳамма ватанпарвар бўлиши лозимлигига урғу бериб келди.**

**Бу ҳаракатлар, аввало, таълим билан амалга оширилиши, маданият, санъат орқали унга руҳ берилиши, тарбия, ахлоқ орқали кучайтирилиши бўйича аниқ ташаббуслар билдирилмоқда.**

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган мулоқотда Президентимиз таълимнинг ажралмас қисми бўлган тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларига эътибор қаратиб, бу борада тегишли вазифаларни белгилаб, зарур топшириқлар берган эди.

Навоий вилоятига ташрифи давомида эса 22-умумтаълим мактабида бўлиб, бу вазифа ва топшириқларни янада аён тарзда барча масъулларга англатди.

**“Илмли бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш яхши. Қалбингизда ватанпарварлик кучли бўлса, шижоатингиз янада баланд бўлади”,** деди Президентимиз.

Ҳар ким фарзанди, аввало, инсон бўлиб улғайишини, шахс бўлиб жамиятга фойда келтиришини истайди. Ватанпарварлик мавҳум тушунча эмас. Илмли, касб-ҳунар билган, келажак мақсади бор инсонлар юртини севади. Ўзи туғилиб ўсган замин ободлиги учун ҳеч бўлмаса бир дарахт экади. Том маънода инсон бўлиб, шу орқали ватанпарварлигини кўрсатади. Бу йўлда эса санъат, маданият, театр, китобдан самарали восита бўлмаса керак.

Бугун марказ томонидан ёш авлодни тарбиялаш, ватанпарварлик руҳида улғайтириш йўлида 3 хил: айтиб, кўрсатиш, яъни анъанавий тарғибот, рақамли ва методик тарғибот бўйича ишлар олиб бормоқдамиз.

Анъанавий тарғибот бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди, хусусан, “Маънавият фестивали”да 197 та туман/шаҳардаги 1612 та чекка маҳаллада 600 минг аҳоли иштирок этди. “Кинокарвон” лойиҳаси доирасида 8767 та МФЙ, 8729 та мактабда ватанпарварликка қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилиб, 1,7 миллион иштирокчи қатнашди.

Жамоамиз билан ишлаётган методик таъминот йўналиши, аввало, фарзанд тарбияси, ўқувчи ватанпарварлиги шунчаки тадбирлар орқали сингдиришга эмас, аниқ тизимли тарзда, мақсадли ва узоқ муддатда бажаришга қаратилмоқда.

Ҳозир тизимли тарзда боғча — мактаб — олий таълим учун аниқ, ёш хусусиятига мос, режали график асосида тарғибот тадбирлари ишлаб чиқилди. 208 та ОТМ учун намунавий маънавий-маърифий ишлар режаси ҳамда 10 минг 187 та умумтаълим мактаби учун маънавий-маърифий тадбирлар календарь режаси тайёрланди.

Фарзандларимиз учун қизиқарли кўринишдаги, сунъий интеллект ёрдамида ишланган видеомаҳсулотларни томоша қилиш имконини берувчи 8 та тилда буюкларимиз ҳақида фактлар тайёрланди. Унда аждодларимиз ҳаёти ва босиб ўтган йўли содда, қизиқарли тасвирлар ёрдамида кўрсатилмоқда.

Марказ ва ҳудудларнинг ижтимоий тармоқлардаги 223 та расмий каналида аъзолар сони 900 мингга оширилди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2024 йил бошида 23 минг нафар эди. Ватанпарварлик, маънавий тарбия ва миллий қадриятларга оид контентлар сони 132 мингтага етказилди.

Буларнинг барчаси тарбия борасидаги ишларимизни фақат бир тарафлама эмас, ҳар бир йўналишда ривожлантиришга қаратилганидан далолат. Бироқ айтиш лозимки, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Тарбия, ватанпарварлик йўналишидаги ишларни аслида бир соат ҳам тўхтатиб бўлмайди.

Албатта, ким, қайси соҳада ишламасин, ватанпарварлигини сўзи билан эмас, иши билан ифода этса, мақсадлар бирлашиб, орзудаги жамиятни қуриш мумкин. Келгусидаги ишларимиз мана шу мақсадга эришишга қаратилган.

## Ҳаётий сабоқ

Маънавиятнинг таърифлари қаторига “ҳаётий сабоқ” тушунчасини ҳам киритиш лозим. Сабаби ҳаётдан неки таълим олсак, хулоса чиқарсак, у инсоннинг руҳи, феъл-атвори, юриш-туриши, маънавий оламида акс этади.

Буюк Билга хоқон таъкидлаганидек, адолат-ла иш кўрсак, қонунларни ҳурмат қилсак, ёлғон сўзламасак, ўзимизники бўлмаган нарсага кўз олайтирмасак, яқинларимизга, бизга берилган омонат (лавозим, вазифа)га масъулият билан қарасак, бир-биримизни камситмасак, катталарни ҳурмат қилиб, заифлар, болалар ва аёлларга иззат кўрсатсак, дарахтларни зарурatsиз кесмасак, сувларни ифлослантирмасак, ёмон ишлар қилишдан ўзимизни тийсак, иттифоқчилигимиз ва бирлигимиз билан душманларга ўз ўрнини кўрсатиб қўйсак, мовий осмон қулаб, қўнғир ер ёрилмагунча Турон эли ва тўрасини ҳеч ким бузолмас.

Бугун Билга хоқон айтган ҳаётий ҳақиқат янги Ўзбекистон қиёфасида акс этмоқда. Чунки унда инсон қадри, адолатли, маърифатли жамият, аёллар ва болаларга, халққа эҳтиром, табиатни асрашга даъватлар, энг асосийси, бирлашиш ғояси илгари сурилмоқда. Маънавият эса миллат руҳи, ҳаётий сабоқ, жамият устуни, тараққиёт асосидир.

Шу ўринда миллат масъулияти кўз ўнгимизда гавдаланади, заруратига эҳтиёж сезилади. Негаки миллат руҳини сақлаш, асраш, уни заифлаштирмаслик ҳар бир миллат вакилидан фидойилик, эътибор, бирлашиш, масъулият талаб қилади. Бу масъулият юки билан ҳар бир қалбда шоир Асқад Мухтор айтганидек:

***Мен билишим керак, билишим керак,***
***Бир савол қалбимга ларза солади:***
***Аждодлардан мерос қонимдан бўлак,***
***Мендан издошларга нима қолади?***

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Сарҳисоб

# ЭЪТИРОФ ШИЖОАТ БАҒИШЛАЙДИ

**2024 йил юртимизда ҳар томонлама ютуқларга бой йил бўлди, десам янглишмаган бўламан. Сабаби янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.**

Бу ислоҳотлар эпкини Навоий вилояти марказидан қарийб 300 километр олисда жойлашган Учқудуқ туманини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қизилқум саҳросининг ёши, тарихи фақат она табиатга аён. Бироқ мана шу кўҳна саҳро бағридаги ёши ҳали бир асрга етмаган мўъжазгина Учқудуқ тумани бугун кўрган кўзни қувнатувчи, меҳмонга келган замондошни ҳайратга солувчи ўзгаришлар, янгиланишлар оғушида. Ҳудуд ҳозир кўркам иншоотлари, тадбиркорлик субъектлари, равон йўллари туфайли кенг имкониятлар масканига айланган.

Албатта, бугунги Учқудуқнинг имкониятлар кўлами кечагисидан тубдан фарқ қилади. Айни вақтда ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес субъектлари сафини кенгайтириш борасида эътибор қаратилаётган соҳалар тури кўп. Шунинг учун ушбу олис ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари етакчи кучга айланмоқда. Негаки яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятини тобора ривожлантираётган тадбиркорлар сафи йилдан йилга кенгаймоқда. Учқудуқ туманида ҳозир мингдан зиёд хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакили фаолият юритмоқда.

Мен ҳам ушбу тадбиркорлар сафида бўлиб, ҳududнинг иқтисодий ривожланиши ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшиб келаётганимдан мамнунман.



Мен раҳбарлик қилаётган қандолатчилик корхонасида бугунги кунда 20 дан зиёд хотин-қиз иш билан банд.

Оилавий корхонамизни 2024 йилда янада ривожлантириб, кенгайтирдик. Бу жараёнда юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар ва берилаётган имтиёзлар муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозир корхонамизда 33 турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланади. Йирик халқаро кўргазма ва форумларда иштирок этиб, қандолатчиликка доир илғор хорижий тажрибаларни пухта ўзлаштирдик.

Ўтган йили янги лойиҳалар асосида туманда корхонамизнинг 2 та савдо дўконини очдик. Шунингдек, корхонамизда касб-ҳунар мактаби ўқувчилари амалиёт ўташи учун ҳам шарт-шароитлар яратдик ва кўплаб ўқувчилар бу ерда пазандачилик сирларини пухта ўзлаштирди.

2024 йил мен учун ютуқлар билан янада қувончли ва эсда қоларли йил бўлди. Сабаби 20 август — Тадбиркорлар кунида “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Ушбу давлат мукофотига лойиқ кўрилганим ҳаётимдаги энг қувончли воқелик бўлди. Камтарона меҳнатимиз эътиборга тушганидан беҳад хурсандман. Ушбу эътироф менга янада куч ва шижоат бағишлаши билан бирга масъулият ҳам юклайди. 2025 йилда ҳам янги лойиҳалар билан фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратамиз.



**Саодат ЭЛОВА,
“Choco Life 7777” корхонаси раҳбари,
“Шуҳрат” медали соҳиби**

## Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигига




# Маҳмудхўжа Беҳбудий

Ҳар бир миллат, ҳар элнинг виждони тирик бўлсин,
Нуру чаманга элтар иймони тирик бўлсин,
Ҳурлик қуёши балққан замони тирик бўлсин,
Ҳар томчи қоним ичра жо бўлган бу тилхатим,
Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.

Фалакларда чарх урган озода қушларим бор,
Ҳоли ҳаётдан гўзал покиза тушларим бор,
Ичимда саноғи йўқ баҳору қишларим бор,
Очсам, дунёга бўйлар изтиробим, ҳасратим,
Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.

Боқсанг, ҳолинг кўрсатар, кўзгу-ойина ҳаёт,
Садоқат сувларига ҳамиша ташна ҳаёт,
Миллат десанг, чўққига элтгувчи зина ҳаёт,
"Самарқанд"дан юксалган ёруғ ўйим, мақсадим,
Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.

Яшасин адолат ва ҳаққоният — овозим,
Туркистон олам узра баланд мақом — лавозим,
"Ёшларга мурожаат" — иккимас, тўрт тил лозим,
Бугун ҳар кўнгил айтар: шул сўз маним нусратим,
Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.

Илму маърифати йўқ падаркушдан асрасин,
Худбинлик балосидек ғам-ташвишдан асрасин,
Тафриқа, фитна-фасод, қинғир ишдан асрасин,
Ҳазрат боболаримдан мерос дуо — ҳикматим,
Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.

Англадим, "Қасди сафар" дилга саёҳат асли,
"Эҳтиёжи миллат" деб яшамоқ роҳат асли,
"Васиятнома" оҳи жонимга беҳад асли,
Ўтмаса юрагимдан, ҳатто бир сўз айтмадим,
Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.

Аллоҳим, пок тафаккур, басират керак элга,
Мунаввару Чўлпону ҳам Фитрат керак элга,
Рўзи қиёмат қадар соф Ибрат керак элга,
Ватан, миллатдан бошқа йўқ ахир саодатим,
Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.

**Ғайрат МАЖИД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Кузатув

**Ҳақиқий ижодкор ҳеч бир битикни мақсадсиз ёзмайди. Яхши бадиий асар ёки публицистик мақола ўқиб бўлгач, унинг тугаб қолганига ачинсангиз, билингки, бу ёзарманнинг маҳоратидандир. "Ёзувчини ёзувчи қилган унинг кузатувлари" деган қараш мавжуд. Бу ташбеҳни журналистларга нисбатан қўллаш ҳам мумкин. Шу маънода, бугун хотира ва кузатувлар мурватини жамиятимиздаги маънавият, миллий контент масалаларига созлаш мавриди, деган хулосага келдик. Зеро, ушбу ўта муҳим ва долзарб мавзунинг ҳали-бери эскирмаслиги айни дамда кундек равшан бўлиб турибди. Бу анча кенг қамровли мавзу, бас шундай экан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши доирасида сўз юритсак, бизнингча, тўғри бўлади.**




# ОРЗУЛАР ОСМОНИДАГИ ОФТОБ

## ЁХУД НАМУНА БЎЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

Тарихий деб нисбат берилган ушбу йиғилишда миллий ғояни, театр ва кино санъатини ривожлантириш, маънавият ва маърифат масканлари, маданият марказларини ишга тушириш, аёлларнинг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллашига эътиборни кучайтириш ҳамда бошқа кўплаб ташаббуслар ўртага ташланган, бу борадаги кечиктириб бўлмас вазифалар белгилаб олинган эди. Инчунин, ўшанда қайд этилган аксарият ишлар бугунга келиб амалга ошганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари шиддатли тус олгани, ўта зиддиятли жараёнлар таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётганини қайд этиб, **"Тарихдан маълум, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур",** деб таъкидлади.

Йиғилишда бир неча йўналишда муҳим ташаббуслар илгари сурилган, ҳар бир мутасадди олдига аниқ вазифалар қўйилган ва ушбу ишларни амалга ошириш учун барча зарур шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилиши маълум қилинган эди. Келинг, уларнинг айримлари нималардан иборат бўлганига яна бир қур назар ташлайлик.

Аввало, маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғояни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур-ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлиги, зиёлилар, нуронийлар, ҳаж ва умрага бориб келган юртдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги айтилди.

Маданий-маърифий соҳадаги ишларда ҳокимлар масъулияти оширилиши, туман ва шаҳарларда маънавият ва маърифат масканлари ишга туширилиб, ҳудудлардаги 4 та секторга қўшимча равишда маънавият сектори ташкил этилиши маълум қилинди. Улар жойлардаги Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи тузилмаси сифатида фаолият кўрсатиши белгиланди.

Театр санъатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, унда энг яхши пьесалар учун ижодий буюртма бериш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг чет эл театрларида маҳоратини ошириш, ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиш кабилар назарда тутилди. Корхона ва муассасаларда ойнинг бир санаси "Театр куни" деб белгиланиб, ходимларнинг театрларга бориши йўлга қўйилиши таклиф қилинди.

Ҳар бир туманда саҳнали зал, кутубхона, кинозал ва тўгарак хоналари бўлган биттадан маданият маркази фаолияти йўлга қўйилиши, жойлардаги 600 дан зиёд бадиий ҳаваскорлик жамоасининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, бунга 100 миллиард сўм йўналтирилиши урғуланди.

Мақом ва бахшичилик санъатини илмий асосда ўрганиш ва ривожлантириш кучайтириладиган, мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулоллик ва заргарлик каби анъаналарни давом эттирадиган мактаблар яратиладиган бўлди.

**"Мусиқа ва рақс санъати ривожи қўллаб-қувватланади. Таниқли ашула ва рақс ансамблларининг хорижга гастроль сафарлари кўпайтирилади. Мусиқа ва рақс санъати масалаларини илмий ўрганиш, соҳада илмий кадрларни кўпайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар учун грантлар жорий қилинади. Шунингдек, Тошкент давлат цирки биноси таъмирдан чиқарилади",** деб таъкидланди.

Халқаро майдонда ўзбек маданий дипломатиясини кенгайтириш, Тошкентда жаҳон креатив иқтисодиётига бағишланган конференция, Нукусда эса "Орол маданияти" халқаро илмий анжумани ўтказиш, музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилиш, Тарих ҳамда Санъат музейининг янги биноларини барпо этиш, Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейлари экспозициясини янгилаш, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейини капитал таъмирлаш вазифалари белгиланди.

Кино соҳасини ривожлантириш мақсадида "Тирик тарих" сериясида ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган фильмлар яратиш дастури ишлаб чиқилиши, бунга хорижий ижодкорлар, кинокомпаниялар ҳамда инвесторлар ҳам жалб этилиши, шунингдек, болалар учун буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида кўп қисмли анимацион фильмлар яратиш зарурлиги қайд этилди.

Тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш бўйича дастур қабул қилиш, Ёш рассомлар марказини ташкил этиш, хаттотлик ва миниатюра санъати таълимини амалиёт билан боғлаш мақсадида миллий усулда қоғоз тайёрлаш устахонаси фаолиятини йўлга қўйиш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бундан ташқари, бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш чоралари кўрилиши, бошқа тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилиши, ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ташкил этиш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар ижроси учун мутасаддилар масъулияти оширилди. Шунингдек,



**Нодир МАҲМУДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

давлатимиз раҳбари томонидан ижодий буюртмалар, муаллиф ва таржимонларга қалам ҳақи кўпайтирилиши, нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадида 5 йилга солиқлардан озод қилиш, таржима санъатини муносиб рағбатлантириш учун Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этиш ташаббуслари илгари сурилди.

Олам бунёд бўлибдики, маърифат ва жаҳолат ёнма-ён юради. Бири дунёни, инсоният ҳаётини фаровонликка элтади, иккинчиси буларнинг барини барбод қилади. Бугун таҳликали ва нотинч асримиз қайсидир маънода илм-маърифатга, зиёга эҳтиёж сезаётир. Тараққиётнинг чўққисига чиқдик, дейилаётган айни дамларда ҳам Ер юзининг кўплаб нуқталарида уруш олови ёнмоқда. Ирқчилик, миллатчилик, диний радикализм, дунёга эгалик қилиш васвасаси тез-тез ўзининг борлигини билдириб турибди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

**Бундай таҳликали замонда тўғри йўлни топиш, мамлакат ва халқ фаровонлигини ўйлаб ҳузур-ҳаловатдан кечиш, инсонга муносиб ҳаёт барпо этиш ва бу йўлда одамларни ўз ортидан эргаштира олиш кишидан катта масъулият, билим ва фидойилик талаб этади. Давлатимиз раҳбари бугун ана шундай сифатларга эга инсон ўлароқ ўзининг маънавий жасорати билан дунё ҳамжамиятига ўрнак бўлмоқда.**

Юқорида аксарият ишлар бугунга келиб босқичма-босқич амалга ошаётгани ҳақида айтдик. Улар нималарда намоён бўлаётгани борасида айрим мисолларга мурожаат қиламиз.

Маънавий уйғоқлик илм-фан, таълим орқали таъминланади. 2024 йилдан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолияти такомиллаштирилиб, марказ тузилмаси қайта тасдиқланди. Унга кўра, марказ фаолиятининг 40 фоизи рақамли тарғиботга, 30 фоизи методик таъминотга ҳамда 30 фоизи анъанавий тарғибот ишларига қаратилди.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида маънавий тарғибот ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида марказ ҳузурида Рақамли тарғибот лабораторияси ҳамда "Jalinga" интерактив студияси очилди.

Олимлар ва ижодкорлар билан биргаликда халқимизнинг миллий ғурурини юксалтириш ва ватанпарварлик ҳиссини оширишга оид медиамаҳсулотлар, видеодарслар, методик қўлланмалар, подкастлар, муаллифлик кўрсатувлари, аудио ва видеороликлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Юртимиз бўйича маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи 31 минг 482 нафар маънавият соҳаси вакили таркиби шакллантирилди ва улар фаолиятини тизимли мониторинг қилиш мақсадида "KPI.UZ" рақамли платформа лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жамиятда ижтимоий фаол фуқарони шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида "Ижтимоий фаол фуқарони шакллантириш" концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Аҳолининг турли қатламлари билан маънавий тарбия ишларини тизимли ташкил қилиш мақсадида 3 та ёш тоифасидаги мавжуд вазият таҳлил қилинди.

Катта ёшдаги авлод вакиллари ҳамда ўрта ёшдаги авлод вакилларига нисбатан кичик ёшдаги авлод вакиллари 73 фоиз вақтини ижтимоий тармоқларга сарфлаши аниқланди. Марказ ўз фаолиятини шу ёшдаги рақамли авлод вакиллари билан тизимли ишлашга қаратиб, бу бўйича алоҳида тарғиботнинг замонавий технологиялари жорий этиляпти. Интернет тармоғида миллий контентдаги медиамаҳсулотлар кенг тарғиб қилинишига эътибор қаратилмоқда.

Сурхондарё вилоятида тажриба-синов асосида "Маънавият сектори" ташкил этилди. Ҳудудларда "Маънавий ҳимоя" лойиҳаси жорий этилиб, "қизил" тоифага тушган маҳаллалар ва ижтимоий-маънавий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш тизими яратилди.

Ҳаж зиёратидан қайтган 15 минг ҳожи билан биргаликда ёшлар тарбиясида ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, шукроналик, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоялари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги олдидан мамлакатимиз бўйлаб "Маънавият фестивали" тадбирлари кўтаринки руҳда ташкил этилиб, уларга санъат ва маданият соҳаси вакиллари, олимлар, зиёлилар, шоир-ёзувчилар, киноактёрлар ва нуроний ҳожилар жалб этилди. Шунингдек, "Туркистон" санъат саройида ҳарбийлар ва ёшлар иштирокида "Ватан манзумаси" адабий-маърифий кечаси ташкил қилинди.

2024 йил 4 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 май куни Киночилар уйига ташрифи чоғида "Тирик тарих" туркумидаги фильмлар тақдимоти бўлиб ўтган эди. Лойиҳа "Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор билан юксак парвозини бошлади. "Тирик тарих" фильмлар туркумини яратиш дастури тасдиқланди ва 54 та тарихий фильм ишлаб чиқарилиши белгиланди.

Кенг кўламли ишларнинг ҳаммаси ҳақида битта мақолада айтиб ўтишнинг имкони йўқ. Кўриниб турибдики, бу бугун дунёда, атрофимизда юзага келган таҳликали вазият, жиддий қарама-қаршиликлар, маънавий ахлоқсизлик, зўравонликлардан жиддий хулоса чиқариш лозимлигига, **юртимизда маънавий юксалишнинг янги даври бошланганига, маънавиятни тараққиётнинг ўқ илдизи** деб белгилаб олганимизга ишора бўлди. Такрор бўлса-да, айтамиз: буни давлатимиз раҳбарининг **"Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади",** деган гапининг амалий исботи сифатида қабул қилсак, янглишмаган бўламиз.

Француз мутафаккири Антуан де Сент-Экзюперининг "Агар одам ўзини яхши билса, шунинг ўзи унинг донишмандлигини кўрсатади", деган гапи бор. Хўш, биз ўзимизни яхши биламизми? Бугунги глобаллашув шароитида турли геосиёсий зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар, давлатлараро низолар кўпайиши баробарида ахборот хуружлари ҳам кенг тус оляпти. Бу эса ўзлигимизга тўғридан тўғри таҳдиддир. Боз устига, мазкур хуруж борган сари замонамизнинг том маънодаги қудратли қуролига айланмоқда.

Инсон онги ва қалбини забт этиш, унга ўз ҳукмини ўтказиш, маънавиятидан, миллий урф-одат ва қадриятларидан жудо этишга йўналтириладиган ахборот хуружлари кўринмаслик хусусиятига эга. Шундай экан, унга қарши миллий ахборот иммунитетини шакллантириш, ахборот майдонида рақобатбардош миллий контент яратиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

**"Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан ҳатто мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилмоқда. Баъзи гуруҳлар орасида диний қарашларни Конституция ва қонунларимизга қарши ва улардан устун қўйиш ҳолатлари кучаймоқда. Диний эътиқод ниқоби остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаётган кишилар пайдо бўлмоқда",** деган эди Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида.

Давлатимиз раҳбари Хавфсизлик кенгашининг 2024 йил 12 январдаги кенгайтирилган йиғилишида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, замонавий таҳдидларга қарши муносиб курашиш учун, аввало, ахборот маконида миллий контент яратиш зарурати, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан баҳо бериш лозимлиги, акс ҳолда, ташқаридан турли ахборот хуружлари кириб келишига имкон яратиб қўйилиши, янгилик ва ахборотга эҳтиёжларнинг бошқалар томонидан тўлдирилишига сабаб бўладиган нохуш оқибатлардан огоҳ бўлишга даъват этди.

Бугунги ахборот маконида қандай муаммолар бор, ўзбек миллий контенти яратилишида хориж тажрибасининг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш лозим, хорижий интернет саҳифаларида уни қандай акс эттириш мумкин? Бу сингари саволлар миллий контент яратилишига тизимли ва кўп томонлама ёндашиш масъулиятини талаб этади. Дарҳақиқат, бу ҳозирги даврнинг устувор талаби ва шартидир. Шу боис, бу мавзу миллий медиамаконимизда кўп муҳокама қилинмоқда, турфа фикрлар билдирилмоқда. Филология фанлари доктори Нозима Муротованинг таъкидлашича, миллий контент ўз-ўзини ифода этиш, тарқатиш, маркетинг ёки нашр этиш учун нутқ, ёзув ёки ҳар хил санъат турлари каби бирор восита орқали ифодаланиши керак бўлган ахборот воситаси ҳисобланади.

"Бу борада бир неча жиҳатни фарқлай билишимиз лозим. Контент сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий, таълимга оид ёки кўнгилочар мавзуларда бўлиши мумкин. Зеро, инсон онги ва дунёқарашига ёт ғоялар турли ахборотлар орқали сингдирилади ва бу жараёнда "юмшоқ куч"ни ифода этувчи юқорида санаб ўтилган ҳар бир йўналишнинг ўз ўрни бор", дейди мутахассис.

Экспертлар бу борада мамлакатимизда катта салоҳият мавжуд экани, турли соҳаларга ихтисослашган газета, теле ва радиоканаллар, маҳаллий нашрлар ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини бугунги кун талаби ва халқимиз эҳтиёжига мос миллий контент билан тўлдириш зарурлигини қайд этади. Бу вазифаларни тўлақонли бажариш учун кўп йиллик иш тажрибасига эга, малакали журналистлар қатори ёш ижодкорларни ҳам кашф этиш ва жараёнга кенгроқ жалб қилиш лозим.

Кутилган мақсадларга эришишда интернет нашрлар ва ижтимоий тармоқлар имкониятини ҳам самарали қўллаш муҳим. Зеро, бугун дунё аҳлининг 60 фоиздан кўпроғи шу манбалардан фойдаланади. Демак, инсоният қайси ахборот маконида яшаётган бўлса, ахборотни одамларга етказишда ўша воситалардан унумли фойдаланиш керак.

Дунё кундан кунга кенгайиб бораётган оламшумул ўзгаришлар даврида яшамоқда. Бу ўтган асрда барча қитъаларни қамраб олган илмий-техник юксалиш натижасидир. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда эришилган ва глобаллашув номи остида танилган ютуқлар айнан шу юксалиш билан боғлиқ. Бироқ ҳаётда ҳар бир нарсанинг ижобий ва салбий жиҳати бўлганидек, глобаллашув ҳам бундан мустасно эмас.

— Кундалик ҳаётимизнинг асосий қисмига айланиб бораётган интернет ва ундан келаётган зарарли маълумотлар миллий ўзлигимизга рахна солишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, — дейди сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори Суҳроб Бўронов. — Бугунги ахборот майдонида миллий контентнинг йўқлиги миллий ўзликнинг йўқотилиши сифатида баҳоланиши шарт ва лозим. Шу боис, ахборот хуружи кенг авж олаётган майдонда нафақат рақобатбардош миллий контентни яратиш ва у орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарур, балки уни хорижий ахборот ресурсларида ҳам доимий акс эттириш вазифаси давримизнинг кечиктириб бўлмайдиган талаби ҳисобланади.

Демак, миллий контентимизга эътиборсиз бўлсак, миллий ахборот маконимизга хорижий ОАВлар ва улардаги ахборотларнинг кириб келишига янада кенгроқ имконият яратиб берган бўламиз. Миллий ахборот маконимиз четдан кириб келган ахборот билан тўлиб-тошар экан, бу ҳолат миллий контент ривожланиши тўхтаб қолишига, бу эса, ўз навбатида, миллий контентнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлади. Унинг йўқолиши эса бора-бора миллий ўзлигимиз йўқолишига олиб келади.

Мақола аввалида ёзувчини ёзувчи қилган унинг кузатувлари, деган ташбеҳни журналистларга ҳам менгзаган эдик. Жамият тараққиётига бефарқ бўлмаган, жараёнларнинг ичида бўлишни чин кўнгилдан истовчи қалам соҳиби сифатида айтишимиз керакки, юқоридаги ташаббус ва таклифлар орзуларимиз осмонидаги офтоб мисоли чақнаб турибди. Унинг тафтидан қўр олиб, мақсадларимиз рўёбига, албатта, эришамиз.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Kolorpak" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 16.
38993 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:35 Топширилди — 23:10

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05